СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ XXII СЪЕЗДИ

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«КИЗИЛ УЗБЕКИСТАН» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

43-йил чиқиши № 253 (12.002) | Жума, 27 октябрь 1961 йил | Баҳоси 2 тийин.

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXII съезди тўғрисида

ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

25 октябрда, Москвада, Кремльнинг Съездлар саройида Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг навбатдаги XXII съезди ўз ишини давом эттирди.

Эрталабки мажлисда делегатлар ва меҳмонлар томонидан қизғин кутиб олинган чет эл коммунистик ва ишчи партияларининг вакиллари: Венесуэла Коммунистик партияси Марказий Комитетининг бош секретари Хесус Фария, Дания Коммунистик партиясининг раиси Кнуд Есперсен, Нидерландия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг бош секретари Пауль де Гроот, Колумбия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг сиёсий секретари Хильберто Виейра, Австралия Коммунистик партиясининг бош секретари Лоренс Шарки, Ливан Коммунистик партияси Марказий Комитетининг секретари Никола Шауи съездни қизғин табрикладилар.

Сўнгра съезд КПСС Марказий Комитетининг ҳисоботини, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Программасининг проектини ва КПСС Марказий Ревизия Комиссиясининг ҳисобот докладини муҳокама қилишни давом эттирди. Мажлисда С. Оржоникидзе номли Болтиқ кемасозлик заводининг йиғувчи ишчиси В. А. Смирнов (Ленинград партия ташкилоти), «Уралмаш» заводининг директори В. В. Кротов (Свердловск партия ташкилоти), КПСС Бошқирдистон область комитетининг биринчи секретари З. Н. Нуриев, «Чистяковантрацит» трести Лутугин номли шахтанинг тозалаш забойи ишчилари бригадири А. А. Кольчик (Сталино партия ташкилоти), 1896 йилдан бери партия аъзоси Ф. Н. Петров (Москва шаҳар партия ташкилоти) ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Кечки мажлисда делегатлар ва меҳмонлар томонидан қизғин кутиб олинган чет эл коммунистик ва ишчи партияларининг вакиллари: Цейлон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг бош секретари Питер Кейнеман, Марокаш Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Али Ята, Мексика Коммунистик партияси Марказий Комитетининг секретари Мартинес Вердуго, Кипр меҳнаткаш халқи прогрессив партиясининг бош секретари Эзекиас Папаиоанну, Эквадор Коммунистик партияси Марказий Комитетининг бош секретари Педро Саад, Эрон халқ партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ризо Радманеш ўртоқлар съездни табрикладилар.

Съезд КПСС Марказий Комитетининг ҳисоботини, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Программасининг проектини ва КПСС Марказий Ревизия Комиссиясининг ҳисобот докладини муҳокама қилишни давом эттирди. Мажлисда РСФСР Педагогика фанлари академиясининг президенти И. А. Каиров, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, «Правда» газетасининг бош редактори П. А. Сатюков ўртоқлар сўзга чиқдилар.

26 октябрда, Москвада, Кремльнинг Съездлар саройида Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг навбатдаги XXII съезди ўз ишини давом эттирди.

Эрталабки мажлисда делегатлар ва меҳмонлар томонидан қизғин қарши олинган чет эл коммунистик ва ишчи партияларининг вакиллари: Мартиника Коммунистик партиясининг бош секретари Камил Сильвестр, Исроил Коммунистик партияси Марказий Комитетининг бош секретари Самуил Микунис, Иордания Коммунистик партияси Марказий Комитетининг бош секретари Фуад Нассар, Янги Зеландия Коммунистик партияси Миллий комитетининг раиси Жорж Жексон, Швецария Меҳнат партиясининг бош секретари Эдгар Воог, Гваделупа Коммунистик партияси Марказий Комитети сиёсий бюросининг аъзоси С. Пьер Жюстен ўртоқлар съездни табрикладилар. Съезд номига шунингдек Сан-Марино Коммунистик партияси, Люксембург Коммунистик партияси, Гватемала меҳнат партияси, Парагвай Коммунистик партиясидан табрикномалар олинди.



МОСКВА. СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ XXII СЪЕЗДИ. Суратда: Ўзбекистон ССР делегатлари (чапдан ўнгга): Тошкент область ижроия комитетининг раиси Х. ЭРГАШЕВ, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Ядро физикаси институтининг директори У. ОРИФОВ, Янгийўл районидаги Н. С. Хрушчев номли колхоз раиси, уч марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳ. ТУРСУНҚУЛОВ ва Ўзбекистон Ёзувчилар союзининг секретари К. Нуъмонов (Яшин) ўртоқлар.

А. Стужин фотоси (ТАСС фотохроникаси).

КРЕМЛНИНГ СЪЕЗДЛАР САРОЙИДА

СЪЕЗДНИНГ 25 ОКТЯБРДАГИ ЭРТАЛАБКИ МАЖЛИСИ

Кремлда Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXII съезди саккиз кундан бери давом этмоқда. Литва Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ **А. Ю. Снечкус** раислигида очилган 25 октябрь эрталабки мажлис қардош коммунистик ва ишчи партиялар вакилларининг нутқлари билан бошланди.

Венесуэла Компартияси Марказий Комитетининг бош секретари ўртоқ **Хесус Фария** сўзга чиқади. У, Венесуэла Коммунистик партияси номидан КПСС XXII съездига қардошлик саломи топширади. Ўртоқ Х. Фария Америка монополияларининг талончиликдан иборат ишлари тўғрисида гапиради. Чет эл монополиялари кун сайин бизнинг ер ости бойликларимиздан 3 миллион баррель нефть чиқариб олмоқдалар ва йилига 17 миллион тонна темир руда қазиб олмоқдалар, дейди у. Айни вақтда американикларнинг Венесуэла билан бўлган ташқи савдодан олаётган даромадлари бунга қўшилиб, уларга йилига тахминан 2 миллиард доллар фойда келтирмоқда.

Ўртоқ Х. Фария меҳнаткашларга қарши шафкатсизлик билан ишлатилаётган репрессиялар тўғрисида, меҳнаткашларнинг оғир аҳволи ҳақида гапиради. Венесуэла ҳукумати конституцияда кўзда тутилган гарантияларни бекор қилди. Халқ курашчиларидан қарийб юз киши репрессиялар натижасида ҳалок бўлди. Неча ўн минглаб меҳнаткашлар қамоққа ташланди. Прогрессив партияларнинг ўз матбуотига эга бўлиши ва йиғилишлар ўтказиши тақиқлаб қўйилган. Шунга қарамай, Венесуэла халқи империализмга ва унинг маҳаллий малайларига қарши зўр бериб кураш олиб бормоқда. Перес Хименес диктатурасининг ағдариб ташланганлиги — Кариб денгизи районида халқнинг жуда катта ғалабаси ва империализмнинг жиддий мағлубиятидир.

Ўртоқ Х. Фария Куба революцияси билан бирдамлик тўғрисида гапиради. Бизнинг халқимиз учун, деб таъкидлайди у, Кубанинг иши унинг ўз ишидир. Кубаликлар билан венесуэлаликлар ўртасидаги дўстлик умумий душманга қарши курашда тобланди. Бизнинг халқимиз Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар Кубага кўрсатиб келаётган ёрдам учун худди ўзига кўрсатилаётган ёрдам каби миннатдордир.

Сизнинг КПССингизнинг XXII съезди мамлакатимизнинг барча прогрессив доираларида жуда ижобий суратда маъқуллаб кутиб олинди. КПСС Программаси проектининг эълон қилиниши ва унда турмуш шароитларини кескин яхшилаш перспективалари кўрсатиб берилиши бутун дунёдаги революцион процессга кучли катализатор каби таъсир кўрсатмоқда. Совет халқи коммунистик жамият қуришдан иборат тарихий вазифани шараф билан бажаришига ҳеч ким шубҳа қилмайди. КПСС янги Программасининг бажарилиши империализмга берилган ўлим зарбаси ва бутун прогрессив башариятнинг ғалабаси бўлади.

Улуғ коммунистик оила оламшумул тантана қилаётган бир даврда. Албания Меҳнат партияси раҳбарларининг коммунистик ва ишчи партиялар халқаро жипслигини қўпоришга уринаётганликлари таассуфга сазовор бир ишдир. Биз ҳар қайси партиянинг мустақиллигини ҳурматлаймиз, лекин биз пролетар интернационализмининг муросасиз ҳимоячиларимиз, биз коммунистлар ўртасида вужудга келиши мумкин бўлган барча ихтилофлар бир йил мустақаддам коммунистик ва ишчи партиялар вакилларининг Москвадаги кенгашида маъқулланган принциплар асосида ҳал этилишининг тарафдорларимиз.

Дания Коммунистик партиясининг раиси ўртоқ **Кнуд Есперсен** съездга оташин қардошлик саломи топширади. У, айтадики, Совет Иттифоқи қўлга киритган улуғвор муваффақиятлар ва барча коммунистик партиялар фаолиятининг натижалари КПСС XX съезди қабул қилган қарорларнинг тўғрилигини тасдиқлади. КПСС шахсга сиғинишни ва унинг оқибатларини тугатиб, партияга қарши группани қатъиян тор-мор келтириб, янги, ижодий тараққиётга йўл очиб берди. Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XX съездининг қарорлари Совет Иттифоқи ўтказиб келаётган ленинча тинч-тотув яшаш сиёсатига унинг ёппасига ва батамом қуролсизланишни амалга ошириш йўлидаги, бутун дунёда тинчликнинг тантанаси йўлидаги актив курашига негиз бўлди.

Тинчлик учун, Дания халқининг ҳаётий ва миллий манфаатлари учун кураш масалалари, деб давом қилади ўртоқ К. Есперсен, партиямиз бутун фаолиятининг диққат марказида турибди. Биз ўз ишимизда шунга асосланамизки, Германия билан сулҳ шартномаси тузиш ва Германия Демократик Республикасини таниш учун кураш Дания ҳукуматининг Ғарбий Германия милитаристлари билан умумий ҳарбий қўмондонлик вужудга келтиришга қаратилган планларига қарши кураш билан узвий равишда боғланган бўлмоғи керак. Дания-Ғарбий Германия умумий қўмондонлигини вужудга келтириш ва Данияни «умумий бозор»га кўшиш сиёсати — миллий ўз-ўзини ўлдириш сиёсатидир. Халқ орасида бу сиёсатга қаршилик кўрсатиш кучайиб бормоқда.

Коммунистлар олдинга сураётган мақсадларни рўёбга чиқариш учун актив кураш олиб бориш, эркин, демократик ва мустақил Дания учун кураш олиб бориш йўли билангина Дания халқи олдида турган проблемаларни чинакам ҳал қилиш мумкин. Бизнинг партиямиз Даниянинг агрессив НАТО блокидан чиқиши учун, мамлакатга хатар солаётган қуролланиш сиёсатига қарши, Данияни ёппасига ва батамом қуролсизланиш сиёсати асосида тинчликни актив ҳимоя қилиб чиқадиган бетараф давлатга айлантириш учун курашда барча прогрессив кучларни жипслаштиришга интилмоқда.

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг янги Программаси, дейди ўртоқ К. Есперсен, Дания ишчилар синфини социализм учун, мамлакатимизнинг бахтли келажаги учун, бутун дунёда тинчликни сақлаб қолиш учун курашни янада кучайтиришга илҳомлантиради.

— Сизнинг съездингиз муҳокама қилаётган Программани Голландиядаги кенг доиралар завқшавқ билан кутиб олди ва диққат-эътибор билан ўрганмоқда, — деди ўз нутқида Нидерландия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг бош секретари ўртоқ **Пауль де Гроот**. — Бу Программа коммунистик ва ишчи партиялар вакиллари 1960 йил Кенгашининг анализи ва хулосаларига таянади ҳамда барча коммунистлар учун ва инсониятни муҳтожлик, уруш ва зулмдан озод қилиш йўлида, ҳаммага бахт-саодат келтирадиган янги жамият йўлида курашаётган барча кишилар учун ҳақиқий машъалдир. Биз Программани яна шунинг учун ҳам табриклаймизки, у социализм лагерининг ва бирликнинг кучайтирилишини таъминлайди, бу эса биз, капиталистик Ғарб ишчилари учун ҳам ҳаётий муҳимдир.

Бизнинг партиямиз ҳисоблайдики, деди сўнгра Пауль де Гроот, партиянгизнинг янги Программаси, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг ўртоқ Никита Сергеевич Хрушчев бошлик ўз Марказий Комитети раҳбарлигидаги бош йўли ва амалий фаолияти бутун халқаро коммунистик ҳаракатни жипслаштириш учун, ана шу жипсликка халақит бераётган ҳар қандай тўсқинликлар ва хатоликларга қарши кураш олиб бориш учун мустаҳкам ва ишончли таянчдир. Мустаҳкам тинчлик ҳукм сурадиган ва барча кишиларга бахтли ҳаёт кечириш имкониятни яратиб бериладиган янги дунёни барпо этишнинг енгилмас курашчиси — Ленин партиясига, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига шон ва шарафлар.

Минбарда — Колумбия Компартияси Марказий Комитетининг сиёсий секретари ўртоқ **Хильберто Виейра**. Колумбия Компартияси, дейди у, КПСС XXII съездининг тарихий аҳамиятига юксак баҳо беради, бу съезд бутун халқаро коммунистик ҳаракатнинг тараққиётида янги босқичнинг бошланиши бўлди ва марксизм-ленинизм принциплари, коммунистик ва ишчи партияларнинг 1960 йилги Баёнотини бажариш негизида шу ҳаракат бирлигини қатъиян ҳимоя қилмоқда. Шу сабабли биз Албания Меҳнат партияси раҳбарларининг мунофиқликдан иборат найрангбозлигини номуносиб хатти-ҳаракат деб ҳисоблаймиз. Албания Меҳнат партиясининг раҳбарлари ана шу Баёнотни сиртдангина маъқуллаб, амалда унга қарши чиқмоқдалар. КПСС нинг ленинчи Марказий Комитетига қарши бўхтончилик кампаниясини ўтказмоқдалар.

КПСС нинг янги Программаси бизнинг мамлакатимиз коммунистлари ва революционерлари учун айниқса самарали роль ўйнайди. Биз бу Программани давримизнинг асосий идеологик ва сиёсий ҳужжати деб биламиз.

Қишлоқ хўжалигида кўпгина ярим феодал сарқитлар мавжудлиги ва Америка империализмининг ҳукмронлиги сабабли Колумбияда капитализмнинг тараққиёти ҳусусан анархик ва бемаъни тарзда ўтмоқда. Аҳоли жон бошига реал даромад йилдан-йилга камайиб, ҳаёт кечириш қиммати узлуксиз суратда ошиб бормоқда.

Колумбия Коммунистик партияси халқ кучларининг бирлиги учун курашиб, шундай бир демократик фронтни ташкил этишга ҳаракат қилмоқдаки, бу фронт ишчилар, деҳқонлар ва барча ватанпарварларнинг кенг оммасига таяниб, халқни озод қилишнинг у қадар қийин бўлмаган йўлларини очиб бериши мумкин бўлур эди.

Маълумки, Колумбия ҳукумати Америка давлатлари ташкилоти деган ташкилот орқали халқ Кубасига қарши коллектив чоралар кўриш сиёсатини ёқлаб чиқмоқда. Лекин Америка давлатларининг ташкилоти аслида АҚШ мустамлакалар министрлиги ролинигина ўйнаётганлигини Колумбия халқи яхши билади. Колумбия халқи Куба революциясига қизғин ҳайрихоҳлик билан қарамоқда, уни ўз революциясининг авангарди деб билмоқда. Бас, Америка империалистлари ва уларнинг агентлари билиб қўйсинларки, башарти улар Колумбия халқи ўзининг Кубага қарши агрессив ҳаракатларга тортилишига йўл қўяди, деб ўйласалар жуда катта хато қилган бўладилар.

Австралия Коммунистик партиясининг бош секретари ўртоқ **Лоренс Шарки** съездга табрик нутқи билан мурожаат қилади. КПСС Программасининг проекти жаҳондаги воқеаларнинг йўналишини марксча-ленинча анализ қилиб бериши билан, дейди у, советлар мамлакатининг келажагини белгилабгина қолмай, шу билан бирга барча мамлакатлардаги коммунистик партиялар учун уларнинг олдида турган вазифаларни ҳал қилишда бебаҳо қўлланмадир. Совет Иттифоқи капитализм билан иқтисодий мусобақада қисқа муддат ичида ғалаба қозониб, ўз халқига жаҳонда энг юқори турмуш даражасини, энг қисқа иш ҳафтасини ва энг яхши меҳнат шароитларини таъминлаб беради.

Ўртоқ Л. Шарки Германия билан тузиладиган сулҳ шартномаси масаласига тўхталиб айтадики, Совет Иттифоқи империалистларнинг дағдағаларига жавобан ўз қуролли кучларини мустаҳкамлаш учун бир қанча чоралар кўришга ва ядро синовларини қайтадан бошлашга мажбур бўлди. Шу муносабат билан Австралиядаги уруш еловини ёқувчилар, профессионал антикоммунистлар, бир ҳовуч разил ревизионистлар қаттиқ дод-вой кўтариб, пропаганда соҳасида зўр муваффақият қозонишга умид боғлаган бўлсалар ҳам, лекин улар мағлубиятга учрайдилар. Совет Иттифоқи тинчлик учун курашаётганлигини халқ тушунади. СССР ядро қуроли запасларини йўқ қилиб ташлашни ва ёппасига қуролсизланиш амалга оширилишини бир неча бор таклиф қилганлигини, Ғарбий Берлин масаласидаги совет таклифлари тинчликни сақлаб қолиш манфаатларига мос эканлигини халқ билади.

Нотиқ Австралиянинг ички аҳволига тўхталиб таъкидлайдики, Австралиядаги ҳозирги ҳукуматнинг сиёсати мамлакатни империалистларнинг ҳарбий тайёргарликларига боғлаб қўймоқда ва халққа янги кулфатлар келтирмоқда.

Лоренс Шарки пировардида бундай дейди: Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг бошқа социалистик мамлакатлар компартияларининг ва капиталистик дунёдаги қардош партияларнинг буюк муваффақиятларидан илҳомланиб, биз тинчлик, демократия ва социализм учун курашда олга бораверамиз.

Ливан Коммунистик партияси Марказий Комитетининг секретари ўртоқ **Никола Шауи** айтдики, ҳозир бутун дунё халқларининг назари Москвага қаратилган, улар коммунизм қурилиши Программасини қабул қиладиган XXII съезд ишини зўр эътибор билан кузатиб турибдилар. Бу Программанинг амалга оширилиши, деб уқтиради нотиқ. Совет Иттифоқида кишилик тарихида мисли кўрилмаган энг адолатли ва энг бахтиёр жамиятни барпо этишга олиб келибгина қолмай, шу билан бирга бутун дунё халқларининг тақдирига ҳам ҳал қилувчи таъсир кўрсатади. Бу Программа Осиё ва Африканинг, Америка ва Европанинг катта ва кичик халқларига порлоқ келажак йўлини, империализмдан абадий озод бўлиш йўлини, қуллик ва эксплуатациядан қутилиш йўлини, миллий мустақиллик, демократия ва социализм йўлини ёритиб беради.

Ливан коммунистлари халқаро коммунистик, ишчи ва миллий озодлик ҳаракати қўлга киритган катта-катта ғалабалардан қувонмоқдалар, улуғ Ленин партиясининг марксизм-ленинизм поклигини сақлаб қолиш ва уни ижодий ривожлантириш учун, социалистик лагернинг ҳамда халқаро коммунистик ҳаракатнинг монолитлиги ва жипслигини мустаҳкамлаш учун курашдаги авангардлик ролини табрикламоқдалар. Ливан Коммунистик партияси Албания раҳбарларининг позицияси ва хатти-ҳаракатларини қоралаб, буни албан халқининг ғалабалари ва Албаниянинг мустақиллиги учун жиддий хатар деб билади.

Бизнинг кичкина тинчликсевар ва эрксевар халқимиз, дейди ўртоқ Никола Шауи, ўзини улуғ совет халқи билан боғлаб турган мустаҳкам дўстлик билан фахрланади. Совет Иттифоқи ҳамиша ўзига кўрсатиб келган қардошлик ёрдамини ҳеч қачон унутмайди.

Шундан сўнг съезд КПСС Марказий Комитетининг ҳисоботи, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Программасининг проекти ва КПСС Марказий Ревизия Комиссиясининг ҳисобот докладини муҳокама қилишни давом эттирди.

Мен, оддий бир коммунистга, деди С. Оржоникидзе номли Болтиқ заводининг кемасози ўртоқ **В. А. Смирнов**, КПССнинг тарихий XXII съезди ишида иштирок этишдек зўр шараф муяссар бўлди. Бу билан завод партия ташкилотига, болтиқчи барча меҳнаткашларга катта ишонч кўрсатилди.

Ленинградликлар давримизнинг энг ҳаяжонлантирувчи ҳужжати бўлган КПСС янги Программаси проектини ниҳоятда руҳланиб кутиб олдилар. Барча совет кишилари каби шонли Ленин шаҳрининг ишчилари ҳам ана шу улуғвор Программа бажарилажагига қаттиқ аминдирлар. Биз ўз фидокорона меҳнатимиз билан партиямиз Программасини амалга оширишда қатнашишни ўзимиз учун энг улуғ бахт-саодат, энг фахрли вазифа деб биламиз.

Ленинградликлар етти йилликнинг минг куни мобайнида ўнлаб биринчи даражали кемаларни, шу жумладан «Ленин» атом музёрарини, «Андрей Захаров» номли сузиб юрувчи балиқ-консерва заводини ва бошқа кўпгина кемаларни яратдилар.

Шундан сўнг нотиқ ўз корхонасида техниканинг тараққий эттирилиши ҳақида, болтиқчилар Ленинграддаги бошқа заводлар билан биргаликда меҳнат унумдорлигини ошириш соҳасидаги етти йиллик топшириқларини беш йилда бажариш мусобақасининг ташаббускори бўлиб чиққанликлари ҳақида гапиради.

Техника ўсганлиги, ишлаб чиқариш такомиллашганлиги билан бир қаторда кишиларимиз ҳам камолатга эришганлигини англаш қувончлидир, дейди В. А. Смирнов. Ҳозирги вақтда заводда 50 дан ортиқ комумнистик меҳнат бригадаси бор, ишчиларимизнинг 85 проценти коммунистчасига меҳнат қилиш мусобақасида қатнашмоқда. Ўртоқ Смирнов ўз бригадаси ҳаётидан мисоллар келтиради. Бу мисоллар коллектив янги кишини меҳрибонлик билан вояга етказаётганлигидан, бу янги киши учун коммунизм қурувчисининг Программа проектида баён қилинган аҳлоқ кодекси ҳаёт қонуни бўлиб бораётганлигидан далолат беради. Мамлакатда бундай бригадалар юзлаб, минглаб саналади ва шуларнинг ҳар қайсисида олиб борилаётган тарбиявий иш жуда катта фойда етказади.

Сўнгра нотиқ юксак меҳнат унумдорлигига эришиш йўлидаги курашда енгиб ўтишга тўғри келаётган қийинчиликларга тўхталади. Бу қийинчиликлар, жумладан, шу билан боғланганки, материал-техника таъминоти планлари ҳамма вақт ҳам ишлаб чиқариш планларига монандлаштириб тузилаётгани йўқ, шунингдек, сўнгги вақтларда профессионал-техника таълими системасида станокчи ишчилар, пайвандчилар ва кема созлар тайёрлаб чиқариш қисқариб кетди. Ишлаб чиқаришни юксалтириш планига мувофиқ, деб уқтиради В. А. Смирнов, етакчи ихтисослар бўйича ишчилар тайёрлашни кенг йўлга қўйиш зарур.

Партия Программаси, дейди ўртоқ Смирнов, Н. С. Хрушчев бошлиқ Марказий Комитет мамлакатимизни ленинча йўл билан коммунизм сари шахдам бошлаб бораётганлигининг янги ёрқин далилидир. Болтиқ заводининг кемасозлари, Ленинград ишчилари бизнинг қалбимиз ва ақл-идрокимиз ҳамиша жонажон Ленин партияси билан бирга бўлиб келди, ҳозир ҳам бирга ва ҳамиша бирга бўлади, деб съездга айтишни менга топширдилар.

Молдавия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ **И. И. Бодюл** КПСС XX съездидан сўнг халқ хўжалиги, фан, маданият, ижтимоий-сиёсий ҳаёт, халқаро сиёсатнинг барча соҳаларида партия, совет халқи қўлга киритган улуғвор ғалабалар тўғрисида социалистик Ватанимиздан фахрланган ҳолда гапиради. Совет кишиларида, деб таъкидлайди нотиқ, ўзини ўз мамлакатининг хўжайини деб ҳис этишдан иборат мағрур сезги тағин ҳам кўпроқ кучайди, меҳнаткашларнинг коммунизм қурилишидаги активлиги ва ташаббускорлиги беқиёс юксалди.

(Давоми иккинчи бетда)

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ XXII СЪЕЗДИ

КРЕМЛНИНГ СЪЕЗДЛАР САРОЙИДА

(Боши биринчи бетда)

Эндиликда, фракционерларнинг жиноий хатти-харакатлари тўғрисидаги янги фактлар маълум бўлиб қолган, ана шу нифоқчи ва амалпарастлар қандай оғир жиноятлар қилганликлари ҳар бир коммунистга, барча совет кишиларига тағин ҳам аёнроқ бўлиб қолган бир пайтда биз бу шармандали группа қатнашчиларини партиядан чиқарсак. Уставнинг ленинча талабларига батамом мувофиқ иш қилган бўламиз. Молдавия Компартиясидан XXII съездга келган делегатлар Молотовга, Маленковга, Кагановичга бизнинг шоили ленинчи партиямизда ўрин йўқ, деган таклифни қувватлайдилар, дейди нотиқ.

Ўтган йили менга Албанияда бўлишга тўғри келган эди, деди сўнгра ўртоқ Бодюл. Биз ҳамма жойда Совет Иттифоқи, Чехословакия, Польша, Венгрия ва бошқа қардош социалистик мамлакатлардан юборилган тракторларни, автомашиналарни, станокларни ва ускуналарни кўрдик. Шу билан бирга буларнинг ҳаммаси имтиёзли кредит шартлари асосида ёки бевосита албан халқига тортиқ сифатида берилган. Корхоналарда социалистик мамлакатларнинг мутахассислари албан ишчилари билан бима-ён ахил бўлиб ишлаётган эдилар. Албан ва совет халқларининг дўстлиги фашизмга қарши, озодликка эришиш учун курашда бу халқлар энг яхши фарзандларининг тўкилган қони билан мустаҳкамланган. Энди бўлса, албан халқи учун муқаддас бўлган ана шу нарсаларнинг ҳаммаси оёқ ости қилинмоқда, Совет Иттифоқига бўхтон ва туҳмат ёғдирилмоқда. Биз бу ҳақда жим тура олмаймиз, буни албан халқидан яшира олмаймиз. Барча қардош партияларнинг интернационал бурчи — ўз раҳбарларининг хатосини тузатиб олишда Албания Меҳнат партиясига ёрдам бериш ва Албаниянинг социалистик лагердан ажралиб қолишига йўл қўймасликдир.

Сўнгра ўртоқ Бодюл бундай дейди: Асрлар мобайнида эмас, тўрт йили уруш билан ўтган икки ўн йиллик мобайнида Совет Молдавияси саноати тараққий этган, механизациялашган йирик қишлоқ хўжалигига, юксак маданиятга эга бўлган республикага айланди. Руслар, украинлар, белоруслар, болгарлар, гагаузлар, бошқа миллат ва элатларнинг меҳнаткашлари молдованлар билан кўлни-қўлга бериб, ахил бўлиб яшамоқдалар ва ишламоқдалар. Улуғ Ленининг социализм даврида миллатлар бир-бирига яқинлашади, уларнинг дўстлиги мустаҳкамланади, деган ўлмас сўзлари рўёбга чиқди. Молдаван халқи қадим замонлардан буён Россияга меҳр боғлаган. Аҳолининг талайгина қисми ўз она-Ватанидан узоқ вақт ажратиб қўйилганлигига қарамай, у рус тилини, вужудга келган умумий традицияларни меҳр билан сақлаб келди ва унутмади.

Ўртоқ Бодюл Молдавиянинг саноат ва қишлоқ хўжалигини ривожлантиришдаги муваффақиятлари ҳақида гапиради. Марказий Комитетнинг 1953 йилги сентябрь Пленумидан сўнг колхозларнинг бўлинмас фондлари беш баравардан зиёдроқ кўпайди, сўнгги икки йил мобайнида республика қишлоқларида қарийб 50 минг уй қурилди. Шу давр ичида колхозчилар ва совхоз ишчилари 82 минг гектар янги боғ ва узумзор барпо қилдилар.

Молдавия коммунистлари ва Молдавиянинг бутун халқи, — деди сўзининг охирида ўртоқ Бодюл, — ўртоқ Н. С. Хрушчев бошчилигидаги ленинчи Марказий Комитетнинг сиёсий йўлини ва амалий фаолиятини кизғин маъқуллайдилар.

«Уралмашзавод» директори ўртоқ **В. В. Кротов** қуйидагиларни айтади: Партиямиз Марказий Комитети ишлаб чиққан Программа проекти давримизнинг буюк марксча-ленинча ҳужжатидир. «Уралмашзавод»нинг кўпминг кишилик коллективи партия чизиб берган буюк режаларни чин кўнгилдан, зўр ҳурсандчилик билан кутиб олди.

КПСС нинг XXII съездини чақириш тўғрисидаги қарор меҳнат ғайратини бениҳоя кучайтириб юборди. Съездни муносиб кутиб олиш учун мусобақа қизиб кетди. «Уралмашзавод» коллективи партия ташкилотининг раҳбарлигида ўз олдига қўйилган вазифаларни муваффақиятли бажармоқда. Ўтган йили ялпи маҳсулот чиқариш 1955 йилдагига нисбатан 57 процент кўпайди, меҳнат унумдорлиги 50 процентдан зиёд ортди, жамғариш 2,3 баравардан зиёд кўпайди. КПСС XX съездидан кейинги давр ичида завод прокат, пресс, экскаватор, майдалаш-тортиш, домна ускуналари, нефть қудуқлари пармалаш ускуналари ва бошқа ускуналарнинг 53 та янги хилини тайёрлади. Булардан ҳам мукаммалроқ машиналар тайёрланмоқда.

Ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари юксак меҳнат унумдорлиги намуналарини кўрсатмоқдалар. Уларнинг кўплари 1961 йил планидан ташқари маҳсулот чиқармоқдалар, баъзилари эса етти йиллик план топшириқларини бажариб бўлди. Рационализаторлар ва ихтирочилар беш йил ичида давлатнинг 26 миллион сўмдан кўпроқ маблағини тежадилар. Корхонанинг бутун коллективи коммунистик меҳнат заволи номини олиш учун курашга қўшилди.

Ўртоқ Кротов корхонанинг ишидаги камчиликларга тўхталиб айтадики, маҳсулотнинг хали ҳам бир меёрда ишлаб чиқарилмаётганлиги, айрим заказларни бажариш муддатларига риоя қилинмаётганлиги ана шу камчиликларнинг энг каттасидир. Баъзи машиналарнинг конструкцияларини сифатсиз ишлашга хали ҳам йўл қўйилмоқда, ишлаб чиқариш резервлари тўла равишда кидириб топилмаётир ва улардан тўла фойдаланилмаётир.

Нотиқ айтадики, планлаштириш ва материал-техника билан таъминлашни уюштиришдаги жиддий камчиликлар натижасида саноат ва қурилишни бошқаришни қайта қуриш афзалликлари ва имкониятларидан тўла фойдаланилмаётир. Заводимиз машина-ускуналарининг асосий турларини ишлаб чиқаришнинг тўрт-беш йилга мўлжалланган планини кўп вақтдан буён РСФСР ва СССР Госпланларидан олишга муваффақ бўлгани йўқ. Идора босқичларининг кўплиги моддий-техника таъминотини қийинлаштирмоқда. Моддий ресурсларни бир жойга тўплаш ва халқ хўжалигида улардан энг самарали фойдаланиш учун йирик саноат марказларига кучли, районлараро ихтисослаштирилган таъминот базаларини ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Сўнгра ўртоқ Кротов ишлаб чиқаришни узлуксиз планлаштириш масалаларига тўхталиб ўтади, ихтисослаштириш натижасида ва кооперативлаштириш йўлида а г и алоқаларни мақсадга мувофиқ ташкил этиш натижасида пайдо бўлган жуда катта имкониятлардан фойдаланиш зарур эканлигини таъкидлайди, «Уралмашзавод»ни реконструкция қилиш чоралари тўғрисида сўзлайди. У, «Машинасозлар куни» белгилашни таклиф этади.

Нотиқ ўз сўзининг охирида съездни ишончириб айтад и к и, «Уралмашзавод» коллективи партия ва ҳукумат томонидан ўз зиммасига юкланган вазифаларни муваффақиятли бажариш учун зарур чораларнинг ҳаммасини кўради.

Бошқирдистон область партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ **З. Н. Нуриев** сўзга чиқади. XX съезддан кейинги даврда коммунистик қурилишнинг ҳамма соҳаларида эришилган жуда катта муваффақиятлар, дейди у, саботли ленинчи ўртоқ Н. С. Хрушчев бошчилигидаги партия Марказий Комитети бош йўли ва амалий фаолиятининг, шубҳасиз, тўғри эканлигини исбот қилади.

Бу муваффақиятлар айни вақтда партия Марказий Комитети томонидан фош қилинган ва тор-мор келтирилган ҳамда партия ва совет халқи томонидан улоқтириб ташланган бир ховуч разил хоинлар, фракциячиларга қарши айбномадир. Бутун партиямиз ва бутун совет халқи Молотов, Маленков, Каганович, Булганин, Ворошилов, Сабуров, Первухин ва Шепиловлардан иборат антипартиявий группанинг бузғунчилик ишларини қаҳр-ғазаб билан қораламоқда ва уларга лаънат ўқимоқда. Бошқирдистон партия ташкилотининг делегацияси, — дейди ўртоқ Нуриев, — антипартиявий группанинг асосий ташкилотчилари бўлмиш Молотов, Маленков ва Кагановични партия сафидан ўчириш тўғрисида съезд делегатлари томонидан киритилган таклифни тамомила қўллаб-қувватлайди.

Ўртоқ Нуриев айтдики, Бошқирдистон меҳнаткашлари КПСС янги Программаси ва Уставининг проектларини зўр шодлик туйғулари билан қутиб олдилар. Меҳнаткашлар бу тарихий ҳужжатларни кизғин маъқуллаш билан бирга, зўр ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар, ўзларининг бутун кучларини коммунизм қурилишининг улуғвор программасини амалга оширишга сарф қилишга интилмоқдалар. Хўжалик ва маданий қурилишнинг ҳамма соҳаларида янги жиддий муваффақиятларга эришилди. Республика саноати етти йилликнинг дастлабки икки йили ва шу йилнинг тўққиз ойи планларини оширib бажарди. Шу давр ичида саноат ишлаб чиқариши ҳажми планда кўзда тутилган 36 процент ўрнига 50 процент кўпайди. Меҳнат унумдорлиги планда мўлжалланган 19 процент ўрнига 28 процент ортди, пландан ташқари ўн миллиондан сўмликдан кўпроқ маҳсулот чиқарилди. З. Н. Нуриев съездни ишончириб айтдики, Бошқирдистон меҳнаткашлари ўз мажбуриятларини бажарадилар ва саноат ишлаб чиқариши ҳажми бўйича етти йиллик планни 1964 йилда адо қиладилар.

Нотиқ нефть ва нефть-кимё саноатининг муваффақиятларига батафсил тўхталиб ўтади. Нефть-кимё саноатининг ривожланиши ҳар йили ўн миллионларча пуд донини ва мингларча тонна ўсимлик мойини тежаш имконини беради. Индустриянинг бошқа тармоқлари — машинасозлик, кўмир саноати, қора ва рангли металлургия, биноқорлик материаллари, енгил ва озиқ-овқат саноати тармоқлари ҳам анча юксалди.

Республикада қўриқ ерлар ўзлаштирилганига қадар йилига 35-45 миллион пуд галла сотилган бўлса, ҳозирги вақтда ҳар йили қарийб 80 миллион пуд галла сотилмоқда. Чорва моллар сони кўпайди, чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотиш ортди.

Нотиқ республиканинг нефть ресурсларини тезликда ўзлаштириш, нефть конларини мақсадга мувофиқ ишга солиш, жуда чуқур пармалаш усулини жорий қилиш, пармалаш суръатларини тезлаштириш, ишлаб турган нефть тозалаш заводларининг қувватини оширишга тааллуқли муҳим масалаларни кўтаради.

Бошқирдистон коммунистлари, деди нотиқ сўзининг охирида, партия XXII съезди олдимизга қўйиган вазифаларни шараф билан бажариш учун бутун куч-ғайратларини сарф қиладилар.

Донец кончиларининг вакили, «Чистяково-антрацит» трестига қарашли Лутугин номли шахтанинг бригадири **А. А. Кольчик** съездга хушхабар келтирди. У бошчилик қилаётган тозалаш забойининг бригадаси съезд шарафига олган ўз мажбуриятини оширib бажарди. Ийл бошидан буён съезд очилган кунгача Ватанимизга пландан ташқари 8.185 тонна антрацит тайёрлаб берди. октябрнинг 24 кунига мобайнида эса планга қўшимча равишда минг тонна антрацит тайёрлади!

Бригада коллективи, деб хабар қилади ўртоқ Кольчик, халқ бахти учун, бутун дунёда тинчлик учун атоқли курашчи Никита Сергеевич Хрушчевга самимий оғашни салом топширишни ва унга сиҳат-саломатлик тилашни мендан илтимос қилди.

Бизнинг асосий мақсадимиз, деди шахтёр, янги техникани ва меҳнатни ташкил этишнинг прогрессив формаларини жорий қилиш асосида меҳнат унумдорлигини доим оширишдан ва кўмирнинг таннархини камайтира боришдан иборат. Никита Сергеевич Хрушчев биз билан мусобақа қилаётган Николай Мамай бошчилигидаги кончилар бригаласига юборган мактубида ана шу бригаданинг янги техникани жорий қилаётганлигига жуда яхши баҳо берди. Никита Сергеевичнинг бу мактуби бригадамизни ҳам руҳлантириб юборди. Биз ҳам ўзимизда кўмир комбайнини ишлатишга қарор бердик. Участкада сидирга комплекс бригадалар тузилди. Бу бригадалар ишлаб чиқариш циклининг ҳамма ишларини бажармоқда.

Донгдор кончи шахтёрларнинг ҳар суткада қазиб чиқариладиган кўмирнинг ўрта миқдорини ошириш имконини берган ана шу ажойиб ташаббуси тўғрисида батафсил гапиради. Бригадада 9 ой мобайнидагина таннархини камайтириш натижасида 5.700 сўм тежалди. Бригада аъзолари ўртасида янги касбларни эгаллаш йўлидаги ҳаракат кучайиб кетди. Эндиликда ҳар бир ишчи ҳар қандай операциянинг уддасидан чиқа олиши керак.

А. А. Кольчик қуйидагиларни айтади: Бригадамизда қўлланилаётган меҳнатни ташкил этиш янги системасининг устунлиги шундан иборатки, бу система барча сифат кўрсаткичларини, ишчиларнинг иш ҳақини анча ошириш имконини берибгина қолмай, балки меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш принциплари ҳам амалга оширилмоқда. Коллективчилик малакаси ҳосил қилинмоқда. Трестга қарашли шахтамизда 25 сидирга комплекс бригада биздан ўрнак олиб ишламоқда.

Ўртоқлар, дейди сўзининг охирида нотиқ, Сталино областининг коммунистлари ва барча меҳнаткашлари Никита Сергеевич Хрушчев бошчилигидаги ленинчи Марказий Комитетнинг партияга қарши группани тор-мор келтириш йўлида қилган ишларини ялпиллик билан маъқулладилар. Партияга қарши бўлган ана шу группа порлоқ истиқбол — коммунизм сари олға қараб қилаётган ғолибона ҳаракатимизга халақит бермоқчи бўлиб уринган эди. Биз жонажон Коммунистик партиямиз ва Совет ҳукуматининг тинчликни мустаҳкамлашга, барча совет кишиларининг турмушини янада яхшилашга қаратилган ички ва ташқи сиёсатини астойдил маъқуллаймиз.

Ўртоқ Кольчик ўз бригадаси номидан КПСС XXII съездини ишонтириб айтадики, шахтерлар мамлакатимизда коммунизмни тезроқ барпо қилмоқ учун курашда ўз кучлари ва ғайратларини аямайдилар.

Залда гулдурос қарсаклар бошланади. Съезд қатнашчилари ўринларидан туриб большевиклар ленинчи гвардиясининг энг кекса арбоби, 1896 йилдан бери партия аъзоси, профессор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ўртоқ **Ф. Н. Петровни** табриклайдилар. Ўртоқ Петров Ленинниг раҳбарлигида партиямизни ташкил этган, уч революция ўти ичидан ўтиб, ёш Совет давлатини қуришга киришган революцион ҳаракат ветеранларининг биридир. Ў, революция ветеранлари номидан гапириб айтадики, кекса большевиклар Ленин васиятлари қай тарика рўёбга чиқарилаётганлигини, оташин революционер-большевикнинг ишчилар синфи фарзандининг энг яхши хусусиятларини ўзида гавдалантирган атоқли ленинчи Никита Сергеевич Хрушчев бошчилигидаги Марказий Комитет партияни, бутун халқни коммунистик жамият барпо қилиш йўлидан зўр маҳорат билан олиб бораётганлигини кўриб бениҳоя бахтиёрдирлар.

Мен, дейди Ф. Н. Петров, XXII съезд Марказий Комитетимизнинг партия ва давлат ҳаёти ленинча нормаларини тиклаш соҳасидаги фаолиятини зўр мамнуният билан маъқуллашига ишонаман. Марказий Комитет Сталиннинг шахсига сиғинишнинг натижасида вужудга келган иллатларни дадиллик билан фош қилиб ташлади. Бундан мақсад — антипартиявий фракциячи группа жон-жаҳди билан ёпишиб олган ярамас ҳулқларнинг партиямизда пайдо бўлишига бундан бўён сира йўл қўймасликдир. Ана шу антипартиявий фракциячи группа соф виждонли партиялиларга нисбатан қилинган оммавий репрессиялар учун ва шу жумладан кўпгина кекса большевиклар қизбиҳларча таъқиб этилганлиги учун бевосита жавобгардир.

Партиямизнинг асосчиси ва Совет давлатининг ташкилотчиси В. И. Ленин бизга партиянинг бирлиги, монолитлиги ва маънавий поклигини кўз қорачиғидай сақлангиз, ҳар қандай бузғунчилик ҳаракатларига йўл қўймангиз ва бундай ҳаракатларни қатъий бартараф қилингиз, деб васият қилган эди. Мен шунга аминманки, дейди нотиқ, КПСС Марказий Комитетининг ленинча сиёсий йўлини ва партиямизнинг XX съезди билан XXII съезди ўртасидаги даврда Марказий Комитет бажарган буюк амалий ишларни тўла маъқуллашни таклиф этсам, бутун партия съездининг фикрини изҳор қилган бўламан.

Бизнинг муҳокамамизга тақдим этилган Программа проектида марксизм-ленинизм асосий принципларининг гоявий ворислигини кўрамиз. Программа коммунизмнинг назарий ҳазинасини янги мухим қоидалар билан бойитади. Бу қоидалар СССРда, халқ демократияси мамлакатларида социализм қурилиши тажрибасини, жаҳон революцион ва миллий озодлик ҳаракатининг янги тажрибасини умумлаштиради. Бу Программа бутун инсониятга ер юзида тинчлик, меҳнат, озодлик, тенглик, қардошлик ва барча халқларнинг бахтини қарор топдиришдан иборат буюк йўлни машъалдек ёритади.

Программа проектида, дейди Ф. Н. Петров, илмий-техника ва маданий тараққиёт масалаларига катта ўрин берилган. Никита Сергеевич фан ҳозирги кунининг талабларига жавоб бериши керак, энг муҳим халқ хўжалиги проблемаларини ҳал этишда жанговар ва амалий қурол бўлиб хизмат қилиши керак, деб жуда тўғри таъкидлайди. Шу муносабат билан мен фанни комплекс ривожлантириш муҳим ва зарур эканлигини таъкидлаб ўтмоқчиман. Олдимизда турган вазифаларни бажармоқ учун хўжаликни комплекс планлаштириш билан бир қаторда фанни комплекс планлаштириш ҳам жуда муҳимдир.

Ҳозирги вақтда, деб сўзини давом эттиради ўртоқ Петров, партия Марказий Комитетининг қарорига мувофиқ, бизнинг мамлакатимизда фан, билимнинг айрим соҳаларига доир энциклопедиялар нашр этила бошлади. Аммо Катта Совет энциклопедиясининг янги, учинчи нашрини тайёрлаш масаласини ҳал этиш пайти келди. Бу — коммунизм қурилиши авж олдирилган даврнинг энциклопедияси бўлмоғи керак. Партиямизнинг янги Программаси қудратли назарий пойдевор сифатида бу энциклопедияга асос қилиб олинади. Нотиқ коммунизмнинг жаҳон энциклопедиясини чиқариш масаласини ҳам ўртага қўяди. Бу энциклопедия, дейди у, марксизм-ленинизмни фалсафий, иқтисодий ва социал-сиёсий қарашларнинг яхлит ва мунтазам системаси сифатида баён қилиб бериши лозим. Бу энциклопедия илмий коммунизм назарияси қандай ачалга оширилаётганлигини кўрсатиш, СССРда ва социалистик лагердаги бошқа мамлакатларда социализм ва коммунизм қурилиши тажрибаларини умумлаштириб бериши керак.

Азиз ўртоқлар, дейди сўзининг охирида Ф. Н. Петров, узоқ умр кўришни истайсан киши! Партиямизнинг, халқимизнинг бахт-саодати йўлида меҳнат қилишни истайсан киши. Партия Программасининг проекти қуйидаги сўзлар билан тугалланади: «Партия тантанали суратда эълон қиладики, совет кишиларининг ҳозирги авлоди коммунизм даврида яшайди!». Бу — Ленин партиясининг қасамёди бўлиб, ҳар бир коммунистнинг қасамёди бўлиб жаранглamoқда. Бу қасамга содиқ бўлайлик!

СЪЕЗДНИНГ 25 ОКТЯБРДАГИ КЕЧКИ МАЖЛИСИ

25 октябрдаги кечки мажлис Латвия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ **А. Я. Пельше** раислигида очилади. Қардош коммунистик ва ишчи партияларнинг вакилдари съездни табриклайдилар.

Цейлон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг бош секретари ўртоқ **Питер Кейнеманга** сўз берилади. Нотиқ КПССни ва совет халқини тарихий XX съездан кейинги даврда барча соҳаларда эришилган ажойиб муваффақиятлар билан табриклаб айтадики, бу съезд КПСС тарихида ҳам, халқаро коммунистик ҳаракат тарихида ҳам ҳал қилувчи бурилиш нуқтаси бўлди. Ана шу съезд илҳомлантирувчи буюк куч бўлиб коммунистик ҳаракатнинг тинчлик ва инсоният бахт-саодати ишига қўшган ҳиссасини кўпайтирди. Осиё ва Африканинг ҳали яқиндагина мустақил бўлиб қолган мамлакатлари билан СССР ўртасидаги яқин ва дўстона муносабатларни ҳар томонлама мустаҳкамлаш — XX съездан кейинги воқеаларнинг характерли хусусиятидир.

Питер Кейнеман Албания Меҳнат партияси раҳбарларининг пролетар интернационализмига хилоф бўлган позициясини қоралайди ва КПСС нинг янги Программасини ижодий марксизм-ленинизмнинг буюк ҳужжати деб атайди. Барча халқлар бу ҳужжатни ўзларининг порлоқ келажаклари учун намуна ва гарантия деб билишлари мумкин. Бу Программа халқаро коммунистик ҳаракатнинг умумий вазифаларимизни амалга оширишдаги йўлдаги жуда кўп ва хилма-хил жангларида узинг янги, қудратли ғоявий ва сиёсий қуроли бўлади.

Сўнгра нотиқ Цейлондаги демократик кучлар жипслашганлиги тўғрисида гапиради ва Коммунистик партия ўзининг бош йўлини амалга оширишда янгидан-янги муваффақиятларни қўлга киритишга ҳаракат қилмоқда, партия аъзоларининг сони ўсмоқда ва партиянинг таъсири кучайиб бормоқда, дейди.

Биз, дейди ўртоқ П. Кейнеман, XXII съезднинг улуғвор мақсадларини амалга оширишда катта муваффақиятларга эришувингизни тилаймиз. Биз кичик мамлакатимизнинг миллий экономикаси қурилишда унга кўрсатган ва кўрсатаётган бегараз қардошларча ёрдамингиз учун сизларга ташаккур изҳор қиламиз. Биз сизларни ишончириб айтамизки, халқимизнинг тинчлик учун, социал тараққиёт ва бахт-саодат учун олиб бораётган кураши манфаатларини кўзлаб, ҳар иккала мамлакатимиз ўртасидаги, ҳар иккала партиямиз ўртасидаги дўстона муносабатларни бундан буён ҳам ривожлантира боramиз.

Марокаш Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ **Али Ята** ўз мамлакатининг коммунистлари, жуда кўп ватанпарварлари, демократлари ва прогрессив арбоблари номидан КПСС XXII съездига, Совет Иттифоқининг барча халқларига оташин қардошлик саломи ва энг самимий табрикларини топширади.

Сиз, дейди Али Ята, социализм барпо қилдингиз ва озодлик ҳаракатининг ривожланиши учун янги шарт-шароит вужудга келтирдингиз. Ана шу ҳаракат туфайли ва сизларнинг қўллаб-қувватлашингиз туфайли мустамлака мамлакатларнинг кўпчилиги мағфур империалистик зулмдан халос бўлди. Сиз ўзингизнинг янги Программангизда янада юксак босқичга—коммунизм қурилиши кенг авж олдирилган босқичга ўтишни кўзда тутгансиз. Бу билан сиз ўз халқингизнинг бахтли ҳаёт кечиришини таъминлайсиз ва кам тараққий этган мамлакатлар ҳамда халқларга уларнинг империализм зулмидан узил-кесил озод бўлиш учун, ўз қолоқликларига барҳам бериш учун олиб бораётган курашида катта ёрдам кўрсата оласиз.

Биз миллий озодлик йўлидаги курашимизда муайян муваффақиятларга эришдик. Биз яқинда француз қўшинларини муқаддас юртимизни ташлаб чиқиб кетишга мажбур этдик. Бу—мамлакатимиз тарихидаги энг буюк галабаларнинг биридир. Аммо кураш ҳали давом этмоқда. Бизнинг олдимизда Американинг мамлакатимиз тупроғидаги базаларини йўқ қилишдан иборат вазифа турибди. Биз Марокашнинг Испания ва Франция томонидан оккупация қилинган район ва шаҳарларини озод қилмоғимиз керак.

Шу билан бирга Жазоирдаги уруш бизни қоят ташвишга солмоқда. Де Голль ҳукумати ана шу империалистик урушнинг давом эттирилаётганлиги учун жавобгардир. Де Голль ҳукумати Жазоир революциясини бостиришга ва Жазоирни парчалаб юборишга интилмоқда. Биз шундай фактлар олдида сусткашликка йўл қўя олмаймиз. Биз халқимизни ва ҳукуматимизни қурашаётган Жазоир билан бирдамликни янада мустаҳкамлашга даъват этамиз.

КПСС нинг тарихий XX съезди, деб сўзини давом эттиради Али Ята, кейинги йилларда ажойиб муваффақиятларни қўлга киритишингизни таъминлади. марксизм-ленинизмнинг, поклигини, унинг куч ва қўламларини сақлаб қолишни таъминлади, марксизм-ленинизмни догматизмдан, шахсга сиғиниш хатоларидан ва социалистик демократия қонунларининг бузилишидан халос қилди.

Яқин келажак, дейди яна Али Ята, фактлардан ҳали ҳам юз ўгираётган кишиларга уларнинг нохақ эканликларини кўрсатиб беради. Албаниянинг ҳозирги раҳбарлари тўғри позицияларга ўтиб олмасалар, ренегатларнинг қисматига дучор бўлажакларини ҳам келажак кўрсатиб беради.

Биз XXII съездни — коммунизм галабаси учун кураш съездини, инсониятнинг орзу-тилакларини амалга ошириш ва бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлаш съездини ўтказаётганлигингиз учун сизларга ташаккур билдирамиз.

Мексика Коммунистик партияси Марказий Комитетининг секретари ўртоқ **Мартинес Вердуго** қуйидагиларни айтади:

— Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг съездлари СССР ва бутун дунё коммунистларининг жамиятни революцион тарзда ўзгартириш учун, порлоқ коммунистик истиқбол учун олиб бораётган курашида муҳим босқичдирлар. Бу съездлар барча марксчи-ленинчи партияларга таълим беради ва уларнинг тажрибасини оширади. Бизнинг партиямиз каби ўз халқларининг империализмга қарши, демократия ва социализм учун олиб бораётган курашига етакчилик қилишга интилаётган партиялар ана шу съездларни ўз фаолиятини кучайтириш ва оммани билан алоқаларни мустаҳкамлашнинг стимули деб биладилар.

Бизнинг партиямиз КПСС XXII съездини табриклаб, совет халқи ва унинг ҳукуматининг бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлашга қаратилган доимий тадбирларини, дейди Мексика коммунистларининг вакили, маъқуллаётганлигини изҳор қилади. Биз сизларнинг иқтисодий, социал, илмий ва техника соҳасидаги буюк галабаларингизни табриклаймиз. Бу галабалар Совет Иттифоқини бутун инсониятнинг етакчисига айлантирди, халқларни фашизм асоратидан қутқазди ва жаҳон социализм системасини вужудга келтириш учун йўл очиб берди. Жаҳон социализм системаси бутун халқаро сиёсатнинг йўналишини тобора кўпроқ белгилаб бермоқда. Биз Совет Иттифоқи Коммунистик партияси раҳбарлигидаги Совет ҳукумати ва халқи асорат остидаги халқларнинг миллий озодлик ҳаракатига, шунингдек ўзларининг прогрессив социал галабаларини ва ўз мустақиллигини империалистларнинг агрессиясидан ҳимоя қилаётган Куба каби мамлакатларга кўрсатаётган олижаноб ёрдамини табриклаймиз.

Кубада революция галаба қилганидан кейин, деб сўзини давом эттиради Мартинес Вердуго, бу мамлакат Латин Америкасида миллий озодлик ҳаракатининг авангарди бўлиб қолди. Совет Иттифоқи Кубани қўллаб-қувватлаш билан Латин Америкасидаги барча халқларнинг миллий озодлик курашини ҳимоя қилмоқда.

Сўнгра нотиқ қуйидагиларни айтади: Империализм энг қабих ҳарбий ҳийлалар йўлига ўтган, урушга қарши халқаро фронтни кучайтириш айниқса зарур бўлиб қолган ва Совет Иттифоқи кенг авж олдирилган коммунизм қурилишига киришган, социализм галибона ҳужумини давом эттираётган ва миллий озодлик ҳаракати кучайиб бораётган ҳозирги пайтда халқаро коммунистик ҳаракат бирлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш жуда зарурлиги аён бўлиб қолмоқда. Мексика Коммунистик партияси, дейди Мартинес Вердуго, халқаро коммунистик ҳаракатнинг бирлигига путур етказишга қаратилган ҳар қандай уринши ишчилар синфи душманларигагина ёрдам бериши мумкин деб ҳисоблайди. Шу сабабли биз Албания Меҳнат партияси раҳбарларига уларни бутун коммунистик ҳаракат билан ҳамкорлик қилиш, бирликни сақлаш йўлига қайтишга чақириб қилинган даъватга қўшиламиз.

Кипр Меҳнаткаш халқ прогрессив партиясининг бош секретари ўртоқ **Эзекиас Папаиоанну** ўзининг табрик нутқида қуйидагиларни айтди: Кипр прогрессив партияси ва меҳнаткашлари КПСС Программаси проекти билан зўр иштиёқ ва хурсандчилик билан танишиб чиқдилар ва бу Программани барча халқларнинг тинчлик, миллий мустақиллик, демократия, социал тараққиёт учун, социализм ва коммунизм учун курашида бебаҳо, енгилмас қурол деб қабул қилдилар. Манфур мустамлакачилик режимидан жуда кўп жафо чекkан Кипр халқи, дейди нотиқ, Совет Иттифоқи ва барча социалистик мамлакатлар унинг ўз тақдирини ўзи белгилаш йўлидаги курашининг изчил ва мустаҳкам ҳимоячилари эканлигини яхши билади.

Биз, дейди ўртоқ Э. Папаиоанну, ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг Албания раҳбарлари тутган позиция тўғрисида айтган гапларига тамомила қўшиламиз. Бундай позиция ишчилар синфи партияларига ёт бўлиб, фақат империализм ва реакция манфаатларигагина хизмат қилади.

Нотиқ инсоний фаолиятнинг ҳамма соҳаларида эришилган порлоқ галабалар билан КПСС ленинчи Марказий Комитетини, ўртоқ Н. С. Хрушчевни, партиянинг барча аъзоларини, улуғ совет халқини самимий табриклади. Коммунизм қуриш Программасида кўрсатилган истиқболингиз, деди у, ёрқин ва улуғвордир. Бу—қувончларга тўлган истиқбол, яратиш, маданиятни янада яшнатиш, мисли кўрилмаган янги илмий ишларни бажариш истиқболидир. Бу истиқбол фароват дунёси, инсоният шу вақтгача кўрмаган гўзал бир дунё, коммунизм дунёси бўлади!

Эквадор Коммунистик партияси Марказий Комитетининг бош секретари ўртоқ **Педро Саад** ўзининг табрик нутқида КПСС Программасини жуда муҳим тарихий ҳужжат деб атади. Қаҳрамон совет халқи, деди у, инсониятнинг бахтли ҳаёти учун яна йўл очиб бермоқда.

Уруш олови ёқувчиларга қарши, турли социал ва сиёсий системадаги давлатларнинг тинч-тотув яшаш сиёсатини амалга ошириш учун курашда жуда кўп куч-ғайрат сарф қилаётган халқлар, ёппасига ва батамом қуролсизланиш ва халқлар ўртасида тинчлик сиёсатининг галаба қилишига интилаётган меҳнаткашлар оммаси Совет Иттифоқини ва КПСС XXII съездини бутун дунёда тинчлик учун кураш галаба билан тугалланишини таъминловчи гаров деб биладилар.

Империалистлар ва реакционерлар, деб сўзини давом эттиради ўртоқ П. Саад, XXII съезд олдида вақимага тушиб, саросима бўлиб қолмоқдалар, чунки улар шу нарсани яхши биладиларки, социализмнинг галабаси ва коммунизмга ўтилиши, Гагарин ва Титов ўртоқларнинг космосга қилган парвозида ўзининг порлоқ ифодасини топган фан ва техниканинг тараққиёти бутун дунё халқларини капитализмга қарши курашга отлантиради ва капитализм даврининг муқаррар ҳалокатини ва коммунизм даврининг келишини тезлаштиради.

Эквадор халқи, деб таъкидлайди нотиқ, империализм зулмига ва феодал золимларга қарши курашувчилар сафида тобора мустаҳкам ўринни эгаллаб бормоқда. Халқнинг катта галаёнлари эквадорликларнинг Америка монополиячилари ўтказиб келаётган асорат остига олиш сиёсатини рад этаётганликларини ва шоили Куба революциясини қўллаб-қувватлаётганликларини кўрсатди. Кураш бошланиб кетди ва биз, Эквадор коммунистлари, бу курашнинг Эквадорни миллий ва социал жиҳатдан озод қилиш билан, халқ галабаси билан тамом бўлиши учун ҳаракат қила берамиз.

Ўртоқ П. Саад айтадики, ана шу кураш ўти ичида эквадорликларнинг Совет Иттифоқига, дунёдаги бошқа мамлакатларга ва социализм мамлакатларига меҳр-муҳаббат туйғулари ўсиб бормоқда. Бизнинг партиямиз халқларнинг империализмга ва феодализм қолдиқларига қарши, ер ислоҳоти ўтказиш учун, меҳнаткашларнинг турмуш шароитини яхшилаш учун, миллий мустақиллик учун олиб бораётган курашини кучайтириш йўлида тегишли чораларни кўради.

Ўртоқ П. Саад ўз нутқини тамомлаб бундай дейди: Совет мамлакатидаги азиз ўртоқлар! Сизларнинг бутун фаолиятингиздан ҳосил қилаётган ғажибларимиз учун Эквадор Коммунистик партияси номидан сизларга ташаккур изҳор қиламиз ва сизларни ишончириб айтамизки, Эквадор коммунистлари инсониятнинг ўз озодлиги йўлидаги улуғ курашида ўз бурчларини бажара оладилар.

(Давоми учинчи бетда).



МОСКВА. СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ XXII СЪЕЗДИ. Суратда съезд делегатлари (чапдан ўнгга): Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Одесса областидаги Дзержинский номли колхоз трактор бригадасининг бошлиғи Л. С. Кушко, Горький шаҳридаги Жданов номли иккинчи тикувчилик фабрикасининг мастери В. Д. Февралева, Киев область Иванков районидаги Сталин номли колхозининг сут соғувчиси Н. Т. Самойленко, Туркманистон ССР «Лениннефть» нефть кон бошқармасининг нефть чиқариш мастери Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. И. Резников, Закарпат область «Советские Карпаты» ёғоч комбинатининг кранчиси И. Ф. Манивец ўртоқлар.

В. Савостянов ва В. Егоров фотоси, (ТАСС фотохроникаси).

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ XXII СЪЕЗДИ

КРЕМЛНИНГ СЪЕЗДЛАР САРОЙИДА

(Боши биринчи ва иккинчи бетларда)

Эрон Халқ партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ **Ризо Радманеш** ўзининг табрик нутқини бошлаб айтдики, КПССнинг XXII съезди замонамизнинг энг катта воқеасидир. Съезд кабул қиладиган КПСС Программаси марксизм-ленинизм фанида КПСС ҳаётида, жаҳон коммунистик ва ишчилар ҳаракати тарихида ажойиб боб очади. КПСС Программаси ҳақли равишда ҳозирги даврнинг Коммунистик манифести деб аталди.

Сўнгра, ўртоқ Р. Радманеш Совет Иттифоқининг тарихий XX съезддан кейин эришган ғалабалари тўғрисида гапирди. Эрон меҳнаткашлари бу ғалабаларга ҳурсанд бўлмоқдалар ҳамда КПССни ва тинчлик ҳамда мустамлака қуллигидан халқларни озод қилиш иши учун атоқли курашчи ўртоқ Никита Сергеевич Хрушчев бошчилигидаги партия Марказий Комитетини астойдил қутламоқдалар, деб таъкидлайди Ризо Радманеш.

Нотиқ Эроннинг шоҳ бошчилигидаги ҳукмрон тўдаси мамлакатни агрессив СЕНТО пактига ва Америка Қўшма Штатлари билан икки томонлама тузилган шартномага тортганлиги тўғрисида ғазабланиб гапирди. СЕНТОнинг ҳарбий планлари тўғрисида яқинда матбуотда эълон қилинган махфий ҳужжатлар шуни кўрсатиб турибдики, деди ўртоқ Р. Радманеш, шоҳ ва унинг тўдаси ўз имтиёзларини таъминлаш ниятида халққа қарши сиёсатни ўтказиб, ҳатто бутун ватанимизни ёндириб юборишдан ҳам қайтмаётирлар. Кейинги икки йил ичида авж олиб кетган халқ кураши озодлик ҳаракати янгидан кўтарилаётган бир пайтда турганимизни кўрсатмоқда. Халқ партияси реакцион режимни ағдариб ташлайлик, демократик эркинликларни тиклайлик, мамлакатни агрессив пактлардан чиқарайлик ва миллий ҳукумат тузайлик, деган умумхалқ шиорлари остида ягона умумхалқ антиимпериалистик ва антифеодал фронти тузиш учун кураш олиб бормоқда.

Биз ўз курашимизда, деб давом қилди ўртоқ Р. Радманеш, Совет Иттифоқининг ва социалистик лагернинг муваффақиятларидан руҳланмоқдамиз ва маънавий куч олмоқдамиз. Бу лагернинг жипслиги бизга кўз қорачиғимиз сингари қадрлидир. Шу сабабли, биз Албания Меҳнат партияси тутган позицияни танқид қилиб айтилган гапларга тўла равишда қўшиламиз. Сизларни ишонтириб шуни айтамизки, Совет Иттифоқига бўлган муҳаббатимизни ва ҳурматимизни ҳеч қандай куч бўшаштира олмайди ва бизни улуғ Ленин ва Улуғ Октябрь социалистик революциясининг Ватани билан боғлаб турган тарихий камарни ҳеч қандай куч уза олмайди.

* * *

Қардош партиялар вакилларининг нутқлари зўр эътибор билан тингланмоқда, залда тез-тез қизғин қарсаклар гурулламоқда. Съезд қатнашчилари халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг вакилларини чин кўнгилдан табрикламоқдалар.

Чет эллик меҳмонларнинг табрик нутқларидан кейин КПСС Марказий Комитетининг ҳисоботини, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Программасининг проектини ва КПСС Марказий Ревизия Комиссиясининг ҳисобот докладини муҳокама қилиш давом эттирилди.

РСФСР Педагогика фанлари академиясининг президенти ўртоқ **И. А. Каировнинг** нутқи коммунистик жамият кишисини тарбиялаш проблемаларига бағишланди. Программа, деди у, онглиликни тарбиялашни, илмий дунёқарашни шакллантиришни инсонни ҳар томонлама ривожлантиришнинг энг муҳим вазифаларидан бири қилиб қўяди. Совет мактаби ўз ўқувчиларини дунёни илмий тушунишнинг асосларини биладиган қилиб тарбиялаши, уларда табиатга, жамиятга коммунистик қараш, инсоний тафаккур вужудга келтириши; ёш авлодни коммунистик идеалларнинг улуғлигига, капитализмнинг ҳалокати ва коммунизмнинг тўла ғалабаси тарихан муқаррарлигига астойдил ишонган кишилар қилиб тарбиялаши лозим. Бу ишни болалик чоқданоқ бошлаш, тушунарли, лўнда ва қизиқтирарли шаклларда олиб бориб, бу процессни аста-секин ривожлантириш ва мураккаблаштириш керак.

Илмий дунёқараш — материалистик дунёқарашдир, деб давом этади ўз сўзида И. А. Каиров. Мактаб аввало, табиий-илмий фанларни, тарих-филология фанларини ўқитиш ва синфдан ташқари олиб бориладиган ишлар системаси орқали ўқувчиларни илмий-атеистик тарбиялашни жиддий равишда яхшилаши лозим.

Жамиятнинг ҳамма аъзоларида меҳнатга коммунистик муносабатни ривожлантириш тарбиявий ишнинг марказида туриши лозим, деб Программа проектида ҳақли равишда уқтириб ўтилган, деди нотиқ. Бунинг учун болаларни ва ёшларни тарбиялаш системасида болалар боқчасидан бошлаб то олий мактабга қадар меҳнат тарбиясига кўпроқ эътибор бериш керак.

Сўнгра ўртоқ Каиров айтдики, маориф ва педагогика фанининг ҳамма ходимлари коммунизм қурувчисининг ахлоқ кодекси Программага киритилганлигини табрикламоқдалар. Шу кодекснинг мазмунини ташкил этган ахлоқий принциплар мактаб ҳамда мамлакатимизнинг бошқа ҳамма таълим-тарбия муассасалари томонидан болалар, ўсмирлар ва ёшлар билан олиб борилаётган тарбиявий ишга асос қилиб олиниши лозим.

Нотиқ катталар билан ёшлар ўртасидаги, ота-оналар билан болалар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг энг муҳим масалаларига тўхталиб ўтди, ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялашда ўқитувчининг ролига алоҳида эътибор берди. Маориф тарихида биринчи бўлиб, деди нотиқ, Совет Иттифоқида улуғ рус педагоги К. Д. Ушинский медали, Чехословакияда — улуғ славян педагоги, чех гуманисти Ян Амос Коменский медали ўқитувчиларни ва маориф ходимларини ижодий меҳнати учун мукофотлаш мақсадида таъсис қилинди. Партиямиз Марказий Комитетига, Сиз, қадрдон Никита Сергеевичга, совет халқ ўқитувчисига шунчалик ишонч билан эътибор берилаётганлиги учун, дейди И. А. Каиров, совет ўқитувчилари, халқ маорифи ходимлари ва педагогика фани арбобларининг икки миллиондан кўпроқ армияси номидан чин кўнгилдан ташаккур айтишга ижозат бергайсиз.

Нотиқ педагогика фанининг вазифаларига, Педагогика фанлари академиясининг мактаблар билан алоқасини янада мустаҳкамлаш вазифаларига тўхталиб ўтди. У, педагогика билимларини ва илғор педагогика тажрибасини пропаганда уйи ташкил этилганлигини, бу пропаганда уйи ҳузурида ота-оналар учун лекторий ва педогогика маданияти университети ишлаб турганлигини айтди.

И. А. Каиров съездни ишонтириб айтдики, маориф ходимлари съезд қарорларини бажармоқ ва ёшларни коммунизм ишига садоқатли, соф виждонли меҳнаткашлар қилиб тарбияламоқ учун ўз кучларини аямайдилар.

СССР ташқи ишлар министри ўртоқ **А. А. Громико** минбарга чиқади. Съезд делегатлари, деди у, ўртоқ Никита Сергеевич Хрушчевнинг докладларини муваффақиятларимиз учун фахрланиб тингладилар. Партия Программасининг проектида бўлганидек, бу докладларда ҳам мамлакатимиз босиб ўтган йўл чуқур анализ қилинди ва совет халқи ўзининг шон-шуҳрат билан тўлган бугунги ишларидан ишонч ва куч касб қилиб, коммунистик келажак сари олға борадиган йўлнинг улуғ маршрути белгилаб берилди.

Дадил айтиш мумкинки, мамлакатимиз бу съезд белгилаб берган режаларни амалга оширишда олға борган сари партия XXII съездининг жаҳоншумул-тарихий аҳамияти шу қадар тўлиқроқ ва гўзалроқ намоён бўла беради.

Съезд иши давомида, деб давом этди ўз сўзида министр, делегатлар унинг минбаридан туриб сўзлаган нутқларида рақамлар ва процентлар келтириб, экономикада, фан ва маданиятни ривожлантиришда, совет халқининг моддий фаровонлигини юксалтиришда эришилган жуда катта ютуқларни айтиб бермоқдалар. Бу ютуқлар ўзининг миқёси билан бутун жаҳонни ҳайратда қолдирмоқда. Лекин тинчликсевар ташқи сиёсатимизнинг тарихий якунини ҳар қандай мукаммал методлар билан ҳисоблаб чиқилган рақамлар ва процентларнинг биронтаси ҳам ифодалаб беролмайди. Ишонч билан шуни айтиш мумкинки, агар Совет Иттифоқи, бутун тинчликсевар социалистик лагерь ўзининг қудрати ва битмас-туганмас ресурслари билан тинчликнинг посбони бўлиб турмаганида эди, уруш хавфи ҳозирги кундагига қараганда кўп марта кучлироқ бўлур эди, балки инсоният ҳарбий ҳалокат гирдобига тушиб қолиши ҳам эҳтимол эди.

Совет Иттифоқининг ташқи сиёсати империалистик лагернинг сиёсатига нисбатан ўз афзалликларини ҳеч қачон КПСС XX съездидан кейинги вақтда бўлганидек шу қадар зўр куч билан намойиш қилмаган эди, бу съезднинг тарихий қарорларида ленинча йўл, ленинча курс ўз ифодасини топди. Ҳозирги вақтда қирқтадан кўпроқ бетараф давлат халқаро ҳаётнинг туб масалаларида ўз асоси билан бизнинг, социалистик мамлакатларнинг ташқи сиёсатига мос бўлиб тушаётган позицияда турибди, биз каби улар ҳам тинчлик ва тинч ҳамкорлик йўлини ўтказмоқдалар. Ҳатто ўз қарашлари жиҳатидан биздан узоқ бўлган, лекин тинчлик тарафдори бўлган кишилар: Москва — Ленин — Хрушчев деган сўзларни бенихоя ҳурмат билан айтмоқдалар. Айтиш мумкинки, бу сўзлар урушни истамовчи ҳар бир кишининг оқми ёки қорами, европаликми ёки америкаликми, осиёликми ёки африкаликми бўлишидан қатъий назар, унинг кўнглига яқинлашиб боришга имкон берадиган пароль бўлиб қолди. Биз номларининг ўзигина мамлакатимизнинг улуғлигини, шон-шуҳратини, ўз ташқи сиёсатининг олижаноб инсонпарварлигини ер юзининг энг узоқ бурчакларига элтиб қўяётган арбобларни етиштираётган шундай ижтимоий системага ва шундай партияга шон ва шарафлар бўлсин, деб қонуний фахрланиш туйғулари билан айта оламиз.

Совет Иттифоқи халқларни энг кўп тўлқинлантираётган проблемаларни кун тартибига қўяётганлиги, деди ўртоқ Громико, дўстларимизнигина эмас, шу билан бирга бошқа лагердаги кўпгина арбобларни ҳам ҳайратда қолдирмоқда. Шу арбоблар Совет ҳукуматининг ташқи сиёсат соҳасида қилаётган ишлари ҳамма жойда жуда маъқулланиб кутиб олинаётганлигининг ва муваффақият қозонаётганлигининг сабаби нима, деб савол бермоқдалар. Бу муваффақиятларнинг сабабларида ҳеч қандай мўъжиза йўқ. Совет Иттифоқи халқаро ишларда қозонаётган муваффақиятларнинг сири шундаки, у тинчлик ишига содиқдир, ҳаққоний ишни ҳимоя қилиш ва агрессия кучларининг йўлини тўсиш лозим бўлганида қатъият билан бу ишни охиригача олиб боришга тайёрдир, музокарадошлар ҳақиқатан ҳамжиҳатлик йўлини қидирганларида, Совет Иттифоқи уларнинг манфаатларини ҳисобга олишга интилмоқда ва пухталик билан иш олиб бормоқда.



СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ XXII СЪЕЗДИ. Суратда: съезд меҳмонлари — Руминия Ишчи партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Г. Георгиу-Деж ва Руминия делегациясининг аъзолари Молдавия ССРдан келган съезд делегатлари билан суҳбатлашмоқдалар.

А. Стужин фотоси. (ТАСС фотохроникаси).

Давримизнинг бутун мазмуни, халқаро сиёсатдаги икки йўлнинг кураши Никита Сергеевич Хрушчев билан Америка Қўшма Штатлари президенти Кеннединг Венадаги учрашувида худди фоксда бўлгани каби яққол кўринди. Бу ерда икки дунё, халқаро муносабатларга, инсониятнинг келажагига бўлган икки хил қараш учрашди ва тўқнашди. Шу қарашлардан бирини, сиёсатдаги икки йўлнинг бирини энг йирик капиталистик давлат бўлган Америка Қўшма Штатлари давлат кемасининг штурвалини бошқараётган киши ифодалади. Иккинчи йўлни — социал тараққиёт ва тинчлик йўлини социалистик Совет Иттифоқи ҳукуматининг бошлиги ифодалади. Бизнинг партиямиз, бутун халқимиз шуни билиб қўйишлари керакки. Венадаги музокараларда Совет давлатининг ва бутун социалистик лагернинг манфаатлари, Европада агрессив урушни бошлаш йўлига мустаҳкам ғов солиш ниятида бўлган ҳамма кишиларнинг манфаатлари, халқлар ўртасида тинчлик манфаатлари ўлмас Ленин партиясига муносиб, халқимизга муносиб революцион эҳтирос, матонат ва маҳорат билан ҳимоя қилинди.

Венадаги, Париждаги, Кемп Дэвиддаги учрашувлар ва халқаро майдонда бўлаётган ҳодисаларнинг ҳаммаси шуни айтишга асос берадики, агар тинчлик қаердан келишини, янги уруш хавфи эса қаердан келишини кўрсатадиган компас бўлганида эди, бу компаснинг тинчлик кутбини кўрсатадиган стрелкасининг учи ҳозир бизнинг съездимиз мажлис қилиб турган жойни, Кремлни, албатта, кўрсатган бўлур эди.

Жаҳондаги вазият, деди ўртоқ Громико, ҳали ҳам кескин ва беқарор бўлиб турибди. Совет Иттифоқи жаҳоннинг улуғ давлатидир ва айни вақтда Европанинг ҳам улуғ давлатидир. Мамлакатимизнинг, халқимизнинг тақдири Европадаги бошқа халқларнинг тақдири билан жуда маҳкам боғланган. Икки марта жаҳон уруши бошлаган герман милитаризми шу ерда, Европа қитъасининг қоқ ўртасида томир ёйган. Шу сабабли, жаҳоннинг шу районида хавфсизликни мустаҳкамлаш масалалари партиямиз Марказий Комитетининг, Совет ҳукуматининг ҳамиша диққат марказида турди. Шу сабабли, Совет ҳукумати Ғарбий Германияда бош кўтараётган милитаризмни жиловлаб қўядиган чораларни Германия сулҳ шартномасини тузиш йўли билан амалга ошириш зарурлиги масаласини ҳозир шу қадар зўр бериб ва шу қадар кескинлик билан кўймоқда.

Иккинчи жаҳон урушидаги қақшатқич маглубият учун реванш олишга уринаётганликларини энди бонидагилар унчалик яшираётганлари йўқ. Агар Ғарбий Германия реваншчилари, деди А. А. Громико, Совет Иттифоқига ва унинг дўстларига човут соладиган бўлсалар, бу ҳолда Ғарбий Германия қабристон бўлиб қолур эди, бу қабристонда ҳарбий машинанинг парчаларини йиғиштириб олиб, шу машинани ишга солганларнинг кулини кўмиб қўядиган ҳатто гўр ковлар ҳам, эҳтимолки, топилмай қолур эди.

Германия сулҳ шартномасини тузиш биз учун ва бизнинг иттифоқчиларимиз — социалистик давлатлар учун фашистлар Германияси тор-мор келтирилганлиги натижасида Европада вужудга келган чегараларни маҳкам қулфлаб қўйиш ва шу тариқа реванш тайёрлаш сиёсатининг пайини қирқиш демакдир, дейди нотиқ. Ҳар иккала герман давлати билан сулҳ шартномаси тузилганлиги натижасида, деди нотиқ, ҳеч ким ҳеч нарса йўқотмайди, балки ҳамма бундан манфаат кўради. Агар Германия сулҳ шартномасини келишилган асосда тузишга муваффақ бўлинмаса, Совет Иттифоқи бошқа кўп мамлакатлар билан биргаликда сулҳ шартномасини Германия Демократик Республикаси билан имзолайди.

Бизнинг мамлакатимиз, дейди ўртоқ Громико, Европанинг йирик давлатлари билан муносабатларни йўлга қўйишга ва ривожлантиришга жиддий эътибор бериб келди ва бермоқда. Мамлакатимиз икки гигант — Совет Иттифоқи билан Америка Қўшма Штатлари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг ҳолатига алоҳида аҳамият бермоқда. Агар бу икки давлат тинчликни таъминлаш ишида ўзларининг куч ва ғайратларини бирлаштирганларида эди, тинчликни бузишга ким ботина олур эди ва ким ботинишга қодир бўла олур эди? Ҳеч ким. Бундай куч жаҳонда йўқ.

Ҳозир Америка Қўшма Штатларида демократик партия ҳокимият тепасида турибди. Президент Кеннеди шу партиянинг вакилидир. Рузвельт ҳам демократик партиянинг вакили эди. Рузвельт номи билан ҳаммадан кўра маҳкамроқ боғланган партия Совет-Америка муносабатларини ривожлантириш соҳасида шу улуғ америкаликнинг яхши традицияларини тиклаши осонроқ бўлса керак. Ташқи сиёсатдаги бундай бурилишга Америка халқи ҳам ташаккур айтган бўлур эди. Буни ҳамма халқлар ҳам мамнуният билан маъқуллаган бўлур эдилар.

СССР ташқи ишлар министри сўзини давом қилиб айтдики, биз билан яқинда бўлган суҳбатларнинг бирида Америка Қўшма Штатларининг давлат секретари жаноб Раск бундай деди: Биз ҳаммамиз аҳволни шундай бир тарзда тушуниб турибмизки, Хрушчев ва Кеннеди жаҳон ҳалокати вақтида раислик қилган давлат арбоблари бўлиб тарихда қолишни истамайдилар. Шу сабабли, жаҳондаги хавфсизлик масалалари жаҳоннинг икки буюк давлати бўлган Совет Иттифоқига ва Америка Қўшма Штатларига баб-баравар тааллуқлидир.

Бу яхши ва ҳушёрлик билан айтилган фикрдир. Бунга жавобан биз бундай дедик: иккинчи жаҳон урушини тугатиш масаласини ва бундан келиб чиқадиган масалаларни Совет Иттифоқига ва Қўшма Штатларга мақбул бўладиган асосда ҳал қилишга муваффақ бўлинганида эди, буларнинг ҳаммаси тинчлик ишига ва давлатларимиз ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришга қўшилган жуда катта ҳисса бўлур эди. Совет ҳукумати, жаҳондаги вазиятни уруш хавфини йўқотиш томон буриш ва Совет-Америка муносабатларида тубли бурилиш ясаш чоғида Никита Сергеевич Хрушчев ва президент Кеннеди раислик қилсинлар, деб даъват қилмоқда. Раск Совет ҳукуматининг тинчликка бўлган бу интилишига тўла равишда қўшиламан, деб айтди ва бутун дунёда тинчликни таъминлаш йўли топилажак, деб Америка ҳукумати номидан умид билдирди. Биз, деди у, ҳақиқатан ҳам иккита энг қудратли буюк давлатмиз. Бизнинг иттифоқчиларимиз бор, бироқ, кўп нарса Вашингтон билан Москванинг нималар қилишига боғлиқдир.

Бу ҳам, деди ўртоқ Громико, тўғри фикрдир, агар Америка Қўшма Штатларининг ташқи сиёсат соҳасидаги ҳаракатлари шу йўлдан борадиган бўлса, биз буни фақат табриклашимиз мумкин.

Биз, деб давом қилди ўртоқ Громико, социалистик системамизнинг битмас-туганмас имкониятларига ишонамиз, социализм билан капитализм ўртасидаги баҳс тинч мусобақа, тинч-тотув яшаш майдонида ҳал қилинажагига ишонамиз. Мана шу йўлнинг ўзи, мана шу тинчлик сиёсати Совет Иттифоқи Коммунистик партияси янги Программасининг проектида ифодаланган.

Биз, деди ўртоқ Громико, партиянинг XXII съездида коммунизм ва тинчлик программасини қабул қилаётирмиз, шу сабабли, бизнинг партиямиз, бутун халқимиз бу улуғ программанинг бажарилиши байрам қилинадиган кунни яқинлаштирмоқ учун ўз кучини аямайди.

«Правда» газетасининг бош редактори ўртоқ **П. А. Сатюков** съезд минбарига чиқиб дедики, бутун 10 миллионлик Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, бутун улуғ қаҳрамон халқимиз ленинчи Марказий Комитетимизнинг кўп киррали самарали фаолиятини ва Коммунистик партия янги Программасининг проектини якдиллик билан маъқулламоқдалар!

Нотиқ марксизм - ленинизмни ижодий ривожлантиришда янги босқични бошлаб берган КПСС Программасини қардош коммунистик ва ишчи партияларнинг вакиллари ҳам маъқуллаётганликлари, бу Программани жаҳоннинг ҳамма мамлакатларида социализм ва коммунизм иши учун курашчилар табриклаётганликлари ҳақида гапиради.

Партия XX съездининг ленинча йўли, деди ўртоқ Сатюков, партия ва мамлакат ҳаётида тўла равишда тантана қилди. Содиқ ленинчи ўртоқ Н. С. Хрушчев бошчилигидаги Марказий Комитетимизнинг улуғ хизмати, деб давом қилди нотиқ, бу йўлни юксак принципиаллик, большевикча қатъият, зўр мардлик ва матонат билан ўтказиб келганлигидадир. Молотов, Каганович, Маленков, Булганин, Ворошилов, Первухин, Сабуров ва уларга қўшилган Шепиловнинг партияга қарши группаси шу туфайли фош этилди, ғоявий ва ташкилий жиҳатдан тор-мор келтирилди. Бу группа XX съезднинг йўлини ўзгартиришга, партияни Ленин йўлидан тойдиришга, шахсга сиғиниш давридаги раҳбарликнинг зарарли методини сақлаб қолиш ва абадийлаштиришга уринган эди. «Биз Ленин партиясининг ор-номусини ва фазилатини туширмадик, партиянинг обрўси беқиёс ошди, халқаро коммунистик ҳаракат янги, тағин ҳам юқори босқичга кўтарилди. Эндиликда бизнинг партиямиз ҳар қачонгидан кўра яхлит, монолитдир!» — партия Марказий Комитетининг ҳисоботида партия Марказий Комитети баён қилган бу хулосани ҳар бир коммунист улуғ ифтихор билан ва чин кўнгилдан қувватлайди.

Шахсга сиғинишнинг фош қилинишига бир қанча йиллар давомида қутуриб қаршилик кўрсатиб келган бир ҳовуч фракциячиларнинг ҳатти-ҳаракати тўғрисида ўртоқ Сатюков ғазабланиб гапирди. Бу фракциячилар ўзлари ҳокимиятни суиистеъмол қилганликлари учун, коммунистларга қарши, ҳеч бир гуноҳсиз кўпгина совет кишиларига қарши оммавий репрессиялар қилганликлари учун жавобгар бўлишдан қўрққанликлари сабабли мана шундай қаршилик кўрсатиб келдилар. Партияга қарши группанинг қатнашчилари, деб уқтиради нотиқ, КПСС Марказий Комитети қилмоқчи бўлган ишларнинг ҳаммасини рад қила бердилар. Уларнинг бу қаршилиги партия ва ҳукуматнинг айрим тадбирларига қарши қилинган атакаларгина бўлиб қолмасдан, балки партиянинг умуман бутун новаторлик йўлига, партиянинг бош йўлига қарши қилинган атакалар эди.

Съезд делегатларининг нутқларида кўрсатиб ўтилганидек, деди нотиқ, Молотов партияга қарши группанинг ғоявий илҳомчиси эди. Кейинги вақтларгача Молотов ўзини Ленин таълимотининг гўё бирдан-бир талқинчиси қилиб кўрсатишга уринб, Ленин вақтида ишлаганлигини ҳар қадамда мақтанчоқлик билан эслатиб, партияда қандайдир алоҳида мавқе олишга уриниб келди.

Молотов Ленин вақтида ишлаганлиги рост. Лекин шуни айтиш керакки, унинг ҳаддан ташқари даъволар қилиши учун ҳеч қандай асос йўқ эди. Маълумки, Ленининг биронта нутқида, унинг партиянинг навбатдаги съездига қолдирган «васияти»да Молотов партиянинг ўша даврдаги кўзга кўринган арбоблари орасида умуман тилга олинган эмас. Ленин «Молотовнинг назарий хизматлари» ҳақида ҳам ҳеч қачон, ҳеч қаерда гапирган эмас, гапирмаганлигининг сабаби ҳам шуки, Молотовнинг ҳеч қандай хизмати бўлмаган эди. Аммо, Молотовнинг бюрократизмга мойиллиги тўғрисида Ленин ҳақиқатан гапирган эди.

Шу муносабат билан, деди нотиқ, Лениннинг бир ҳужжатига тўхталиб ўтишга ижозат бергайсиз. Молотов номига ёзилган бу хатни Владимир Ильич Ленин 1922 йилда ўша вақтда Марказий Комитетнинг ташкилий ва кадр масалалари бўйича секретари бўлган Молотов бевосита раҳбарлик қилиб турган участкадаги ишларнинг аҳволи муносабати билан ёзган эди.

Лениннинг ана шу хатида нималар ёзилганлигини ўқиб бераман: «РКП аъзолари сўнгги рўйхатига доир анкета ёки варақани тўлғазаётиб мен,— деб ёзади Ленин,— шундай бир қатъий фикрга келдимки, Марказий Комитетда статистика иши (эҳтимолки, бутун ҳисобга олиш-тақсимлаш иши ҳам) ҳеч нарсага ярамайдиган тарзда қўйилган экан.

Сизда ё статистикани аҳмоқ бир шахс бошқараётир, ёки шу «бўлимларда» (Марказий Комитет ҳузуридаги бу муассасалар башарти шундай ном билан аталса) қандайдир муҳим лавозимларда аҳмоқлар ва ўта кетган расмиятчи ўтирибди, кўз-қулоқ бўлиб туришга эса, сизнинг вақтингиз йўққа ўхшайди.

1. Статистика бўлимининг мудирини хайдаш керак.

2. Бу бўлимни ва ҳисобга олиш-тақсимлаш бўлимини бошдан-оёқ элакдан ўтказиш керак.

Акс ҳолда, биз ўзимиз («бюрократизм билан курашиб»...) ўз тумшуғимизнинг остида жуда шармандали ва энг кўпол бюрократизмни кўпайтириб юборамиз.

Марказий Комитетнинг кўлида жуда катта ҳокимият бор. Имкониятлар жуда зўр. 200-400 минг партия ходимларини, (улар) орқали эса минг-минглаб партиясиз ходимларни тақсимламоқдамиз.

Мана шу жуда катта коммунистик иш эса, бефаҳм бюрократизм билан тамомила булғанган!»

Марказий Комитетда Молотовга ишониб қўйилган лавозимда унинг фаолиятига Владимир Ильич жуда катта коммунистик иш бефаҳм бюрократизм билан тамомила булғанган! деб баҳо берган эди.

Молотовнинг бюрократизмга берилганлиги тўғрисида Ленин кўрсатиб ўтган хислат Молотовнинг бутун фаолиятида ҳал қилувчи хислат бўлиб қолди. Молотов гарчи узоқ вақт юксак мансабларни эгаллаб келган бўлса ҳам, лекин бари-бир у, ленинча типдаги сиёсий арбоб даражасига кўтарила олмади.

Молотовнинг назариётчилик даъволарига келганда, деди нотиқ, унинг ички ва ташқи сиёсатнинг йирик масалаларини нақадар чатоқлаштириб юборганлиги ҳақида съездда кўп гапириб ўтилди. Бу чатоқлик асло безарар чатоқлик бўлгани йўқ. Бу чатоқлик ленинизмга қарши қаратилган муайян чатоқлик эди ва шу вақтгача давом қилиб келмоқда. XXII съезд делегатлари шуни билишлари керакки, октябрь ойида, съезд очилиш олдидан Молотов КПСС Марказий Комитетига хат юборди. Молотов шу хатда ўзининг партияга қарши, XX съезд қарорларига қарши қўпорувчилик, фракциячилик фаолияти тўғрисида бир сўз ҳам айтмай, яна ўзини ленинизмни талқин қилувчи киши қилиб кўрсатишга уринади, Марказий Комитетга, янги Программамизнинг проектига ҳужум қилади. Биз партиямизга, унинг Марказий Комитетига, янги Программа проектига қилинган бу ҳужумларни ғазабланиб рад қиламиз! — деб хитоб қилади нотиқ.

П. А. Сатюков ўз нутқининг анчагина қисмини КПСС Марказий Комитетининг партия матбуотига раҳбарлик қилишда бажарган жуда катта ишларига бағишлади.

Совет журналистлари, ишчи ва қишлоқ мухбирларининг кўп сонли армияси улуғ Ленин партиясини ишонтириб шуни айтадиларки, деди пировардида ўртоқ Сатюков, улар бундан буён ҳам партиянинг ҳамиша содиқ дастёрлари бўлиб қоладилар, XXII съезднинг тарихий қарорларини, партия янги Программасини — коммунистик жамият қуриш программасининг идеяларини тушунтирмоқ ва амалга оширмоқ учун ҳамма чораларни кўрадилар.

П. А. Сатюковнинг нутқи билан съезднинг кечки мажлиси тамом бўлди. 26 октябрда съезд ўз ишини давом эттирди. (ТАСС).

СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

Меҳнаткашларнинг истакларини қондириш мақсадида, СССР Министрлар Совети дам олиш кунини 1961 йил 5 ноябрь якшанба кунидан 6 ноябрь душанба кунига кўчиришга қарор қилди.

«КОММУНИЗМ ҚУРУВЧИЛАР СЪЕЗДИ»

Ҳужжатли фильмлар Марказий студияси Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXII съезди ишига бағишланган кинохроникининг навбатдаги учинчи махсус сонини «Коммунизм қурувчилар съезди» номи билан чиқарди. Бу фильм 23 октябрда пойтахт кинотеатрларида кўрсатила бошлади.

Бу соннинг кинокадрлари съездда КПСС Марказий Комитетининг ҳисоботи, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Программасининг проекти ва КПСС Марказий Ревизия Комиссиясининг ҳисобот докладининг муҳокама қилинишини кўрсатади. (ТАСС).



СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ XXII СЪЕЗДИнинг делегатлари. Суратда (чапдан): Ўзбекистон металлургия заводи прокат станининг мастери, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Саид Нуритдинов, Одесса областидаги Дзержинский номли колхоз трактор-далачилик бригадасининг бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Л. С. Кушко, Одесса областидаги Горький номли колхознинг звено бошлиғи, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Е. В. Блажевский ва Ўзбекистон ССРдаги «Оққўрғон» совхози пахтачилик коммунистик меҳнат бригадасининг бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Тошмамат Алижонов ўртоқлар.

В. Соболев фотоси. (ТАСС фотохроникаси).

ПАРТИЯ ВА ХАЛҚ МОНОЛИТ БИРЛИГИНИНГ ЁРҚИН НАМОЙИШИ

Республикамиз меҳнаткашлари жонажон партиямизнинг тарихий XXII съезди материалларини зўр қизиқиш билан ўрганмоқдалар ва маъқулламоқдалар, съезд вахтасида туриб, янгидан-янги меҳнат зафарларини қўлга киритмоқдалар.



Самарканд область меҳнаткашлари барча совет кишилари қатори КПСС XXII съездининг тарихий ҳужжатларини зўр қизиқиш билан ўрганмоқдалар. Суратда: Пастдарғом районидаги Чахрин пахта тайёрлаш пунктининг агитатори И. Маҳкамов ишчиларни КПСС XXII съезди материаллари билан таништирмоқда.

А. Кузьменко фотоси (ТАСС фотохроникаси).

ҚУЁШ

Қуёш коннотнинг бош мураббийси,
Барча сайёралар олар ундан нур,
Майса гуркураши, гулларнинг иси,
Боғу бўстонларда ҳосиллар унур.
У туфайли кўрар оламни инсон.
У туфайли ерда қуту-баракат,
Баробар нуридан яйрар тануҗон,
Баробар меҳридан—дўстлик, муҳаббат...

Жаҳонда ҳақиқат тимсоли ҳам у,
Ёритар зулматнинг тор пучмоғини.
У балқиб очганда нур қучоғини:
Янграр меҳнат, қўшиқ, севинч ва кулгу.
Ана шу қуёшдек қуёш партиям,
Башарнинг ҳаёти ёруғ нурингдан,
Ер шарида жами ўлкаю одам
Борар—бахтин топар сенинг йўлингдан!

Мамарасул БОБОЕВ

ФАРҒОНАДА БИРИНЧИ БЎЛИБ

МИНДОН. («Қизил Ўзбекистон» мухбири). Олтнариқ районидаги Ҳомиджон Аҳмедов раислик қилаётган Димитров номли колхоз Фарғона областида биринчи бўлиб пахта тайёрлаш планини бажарди. 1463 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 27,1 центнердан ҳосил кўтарилди. Бу ўтган йилнинг шу давридагига қараганда гектар бошига 6 центнер кўп.

Абдулазиз Аҳмадалиев, Абдукарим Абдураҳмонов, Нишонбой Қодиров, Марямхон Носирова, Ҳотамжон Нишонов ўртоқлар бошлиқ бригада ва участкаларда ҳар гектаридан 35-42 центнердан ҳосил олинди.

Колхоз аъзолари Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 44 йиллик байрами кунигача олинган социалистик мажбуриятни бажариш, давлатга яна 1000 тонна пахта сотиш, 1962 йил мўл ҳосилига замин тайёрлаш учун курашмоқдалар.

МАРРАГА ЕТДИ

Самарқанд область Жиззаҳ районидаги Будённий номли колхоз (раиси Камол Азимов) партиямизнинг XXII съезди ўз ишини давом эттираётган кунларда пахта тайёрлаш планини муддатидан илгари бажарди. 1410 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 28 центнердан пахта топширилди. Колхоз давлатга 3900 тонна биринчи сорт пахта сотди. Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати Парда Азимова 100 гектар ернинг ҳар гектаридан 35 центнердан, Қудрат Умаров, Парда Усмонов ва бошқа ўртоқлар раҳбарлик қилаётган бригадалар гектаридан 30-32 центнердан пахта топшириб планни ошириб бажардилар. Будённий номли колхоз аъзолари съезд шарафига меҳнат вахтасида туриб ишлаб, Улуғ Октябрнинг 44 йиллиги кунигача пландан ташқари камида 500 тонна пахта топшириш мажбуриятини олдилар.

Шунингдек райондаги Хрушчев номли, Сталин номли колхозлар ҳам маррага яқинлашиб қолдилар. Районда бугунгача ўтган йилнинг шу вақтдагига қараганда 1500 тонна кўп пахта тайёрланди.

Х. ТЎРАЕВ.

ЯНГИ ЕРЛАРДАН МЎЛ ҲОСИЛ

ЖАРҚЎРҒОН, («Қизил Ўзбекистон» мухбири). «Қизил Октябрь» колхозининг гагановачи ўртоқ Тўхтамиш Муқимов бошлиқ бригадаси аъзолари «Боболочин» массивидаги янги очилган 205 гектар ерда мўл-кўл пахта ҳосили етиштирдилар. Улар 28 сентябрдаёқ йиллик планни ошириб бажариб, гектаридан 20 центнердан ҳосил топширган эдилар. Бригада аъзолари йиллик пахта топшириш планини 150 процент бажариб, ҳар гектар ердан 30 центнердан «оқ олтин» топширди. Гагановачилар байрамгача 40 центнердан ҳосил топшириш учун курашмоқдалар.

Бригаданинг кўпминг килограммчи чевар теримчилари О. Хўжаназарова, Амирқул Бобониёзов, Тўхта Абдуллаев, Сайдаҳмад Тўраев, Аваз Алломуродов ва бошқа ўртоқларнинг ҳар бири ҳозиргача 10-12 тоннадан «оқ олтин» терди. Улар ҳар куни 180-200 килограммга етказиб пахта термоқда.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг корреспондент аъзоси Юсуф **Султонов** туғилган кунига 50 йил тўлганлиги ва илмий-педагогика фаолиятининг 30 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонига мувофиқ, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

* * *

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги Ўрта Осиё пиллачилик илмий-тадқиқот институтининг директори Ҳабибулла Расулович **Расулов** туғилган кунига 50 йил тўлганлиги муносабати билан ва республикада пиллачиликни ривожлантириш соҳасидаги самарали ишлари учун Ўзбекистон ССР Олий Советининг Фармонига мувофиқ, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

ЖУРНАЛЛАРНИНГ ЯНГИ СОНЛАРИДА

«ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ»

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг назарий ва сиёсий журнали «Ўзбекистон коммунисти»нинг 10- сони шонли партиямизнинг XXII съездига бағишланган.

Журналда «Партиямиз ва халқимиз ҳаётида буюк воқеа» сарлавҳали бош мақола, армия генерали И. Федюнинскийнинг «КПСС Программаси проекти СССР Куролли Кучлари ва мудофаа қудратини мустаҳкамлаш тўғрисида», Ўзбекистон касаба союзлари Советининг раиси С. Нуриддиновнинг «Совет касаба союзларини ривожлантиришда янги босқич», Б. Манелиснинг «Давлат ва коммунизм», Б. Лунининг «Марксизм-ленинизмнинг улуғворлиги ва антикоммунизмнинг пучлиги» сарлавҳали мақолалари ёритилган.

Булардан ташқари, филология фанлари доктори И. Султоновнинг «Воқелигимизни чуқур ва ёрқин акс эттирайлик», Т. Каграмановнинг «Ўзбекистон саноатида техника тараққиётини жадаллаштириш учун», Т. Раҳимбобоеванинг «Ўзбекистоннинг қардош республикалар билан иқтисодий алоқаларининг мустаҳкамланиши», Г. Шистернинг «Чирчиқ химикларининг тажрибаси» сарлавҳали мақолалари ҳам журнал саҳифасидан ўрин олган.

«ЎЗБЕКИСТОН»

Журналнинг муқавасида В. И. Ленин акс эттирилган Қизил байроқ ҳилпираб турибди. «КПСС XXII» ёзувларидан атрофга нур таралмоқда. Партиямиз XXII съездига бағишлаб чиқарилган «Ўзбекистон» журналининг октябрь сонида Шуҳратнинг «Йўлчи юлдуз» сарлавҳали шеъри, Енгин Мирзонинг КПСС XXII съездига бағишланган «Қалб қасидаси» сарлавҳали шеъри, А. Маилянциинг «Газли—Урал» сарлавҳали очерки, КПСС XXII съезди делегати Саодат Гулаҳмедова ҳақидаги «Делегат» сарлавҳали очерк ва бошқа бир қанча ҳилма-ҳил материал ва фотосуратлар босилган.

Журналнинг бош мақоласи партия съездига бағишланган.

ОРЖОНИКИДЗЕ РАЙОН ПАХТАКОРЛАРИНИНГ ҒАЛАБАСИ

ОРЖОНИКИДЗЕ, (Тошкент области), 26 октябрь. (ЎзТАГ). Оржоникидзе райони меҳнаткашлари КПСС XXII съезди шарафига зарбдор вахтада туриб ишлаб, давлатга пахта сотиш йиллик планини бажардилар. Ватанга 18 минг тонна, яъни ўтган йил шу вақтдагига нисбатан 7.600 тонна кўпроқ пахта етказиб берилди. 5571 гектар майдоннинг ҳар гектаридан ўрта ҳисобда 32,9 центнердан пахта олинди. 12 минг тонна пахта қоп-қанорсиз ташилди, бу эса топшириқда белгиланганидан 5 минг тонна ортиқдир.

КПСС тарихий XXII съезди давом этиб турган кунларда район хўжаликлари пилла, жун, тухум, мева ва узум сотиш планларини ҳам бажардилар. Давлатга 1376 тонна гўшт, 4246 тонна сут, 15881 тонна сабзавот, 2876 тонна картошка, 1811 тонна полиз экинлари сотилди.

Чорвачиликнинг мустаҳкам озуқа базаси вужудга келтирилди, 42 минг тонна маккажўхори силоси бостирилди.

Район пахтакорлари Ватанга совға қилиб ҳар гектардан 36 центнердан пахта ҳосили олишга, пландан ташқари яна 1600 тонна «оқ олтин» сотишга, 25 ноябргача ҳамма ерларни шудгор қилиб қўйишга ваъда қилдилар.

«ЛЕНИНГРАД» КОЛХОЗИНИНГ ТУҲФАСИ

УРГАНЧ, («Қизил Ўзбекистон» мухбири). Барча совет кишилари каби Хоразм область меҳнаткашлари ҳам коммунизм қурувчилар съезди бўлган КПСС XXII съездининг ишини ниҳоят зўр қизиқиш билан кузатиб бормоқдалар. Улар съездда КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари ўртоқ Никита Сергеевич Хрушчевнинг КПСС Марказий Комитетининг ҳисоботи ва Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Программаси тўғрисида қилган тарихий докладларини қувона-қувона ўқиб ўрганмоқдалар. Съездга бағишланган митингларда ҳам, ишчилар, колхозчилар ва чорвадорларнинг ўзаро суҳбатларида ҳам буюк Программа қўллаб-қувватланмоқда.

— Пахтакорларимиз, — деди Қўшкўпир районидаги «Ленинград» колхозининг раиси Ибодулла Полвонов колхоз аъзоларининг йиғилишида сўз олиб. — КПСС XXII съезди кунларида 1361 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 31 центнердан «оқ олтин» сотиб, йиллик планни 104 процент қилиб бажардилар. Полвон Авазов, Қутлимурод Абдуллаев, Собир Яхшимуродов ўртоқлар бошлиқ бригадалар гектаридан 50 центнердан ҳосил олиш учун курашиб, ҳозирданоқ гектаридан 35 центнердан пахта топширдилар.

Биз КПСС XXII съезди шарафига бошланган социалистик мусобақани янада давом эттириб, Улуғ Октябрь байрамигача мажбуриятни ҳам бажариб, Ватанга қўшимча минг тонна пахта сотишга қарор қилдик.

— Мен, — деди чевар теримчи Бекпошша Йўлдошева, ўртоқ Хрушчевнинг КПСС XXII съездида қилган тарихий докладларини зўр иштиёқ билан ўқиб чиқдим. Бу улуғ ҳужжатларда пахтачиликни янада ривожлантириш истиқболлари ҳам кўрсатиб берилган. Мавсумда 15 минг килограмм пахта териш мажбуриятини олган эдим. Ҳозиргача 13 минг килограмм пахта тердим. Съезд материалларидан илҳомланиб, мавсум охиригача яна 5 тонна пахта териб беришга сўз бераман.

ҚАЛБ СЎЗЛАРИ

СЪЕЗДДА ВАКИЛИМИЗ БОР

ФАРҒОНА, («Қизил Ўзбекистон» мухбири). Дзержинский номли Фарғона тўқимачилик комбинатида КПСС XXII съездининг очилиш муносабати билан 2 минг кишилик митинг бўлди. Митингни фабрика касаба союз комитетининг раиси Вера Гурина очди.

Биринчи бўлиб сўзга чиққан цех бошлиғи А. Қирғизов комбинат коллективининг фикрини ифодалаб қуйидагиларни айтди:

— КПСС совет кишиларининг ақл-идроки бўлиб қолди. Съезд олди мусобакасида ҳаммамиз бир кишидек ишладик. Комбинатимиз ўн ойлик планни муддатидан илгари бажарди. Пландан ташқари 130,8 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. 133 минг киловатт-соат электр қуввати, 209 тонна ёнилги тежаб қолинди. 19 бригадага коммунистик меҳнат бригадаси, 300 тўқувчига коммунистик меҳнат зарбдори унвони берилди. Биз шунинг учун бахтиёрмизки, КПСС XXII съездида бизнинг тўқувчимиз Хайринисо Қаҳҳорова қатнашяпти.

Сўзга чиққан тўқувчи Т. Зайцева, коммунистик меҳнат зарбдори В. Осмонова, комбинат комсомол ташкилотининг секретари Ф. Пухвостовалар янги оширилган мажбуриятлар олдилар.

Тўқувчилар КПСС XXII съезди меҳнат вахтасини давом эттириб, йиллик планни муддатидан илгари бажаришга аҳд қилдилар.

ИНСОНПАРВАРЛИК

Қалбимда нечоғли қувонч ҳислари жўш урмасин бу ҳаммаси жонажон Коммунистик партия туфайли, унинг халққа одилона, донишмандларча қилаётган раҳбарлиги самарасидир. Кечагина омманинг муҳокамасига тақдим этилган партиямиз янги Программаси ва Устави проектлари қалбимда севинч, фахрланиш туйғуларини уйғотган эди. Коммунизм қурувчиларнинг XXII съезди уни бир оғиздан маъқуллади. Барча совет халқи қатори бу улуғвор воқеадан биз санъаткорларнинг ҳам бошимиз кўкка етди. Чунки коммунизм янада яқин ва реал бўлиб қолди. Мен бу ажойиб ва гўзал ҳаёт неъматларидан илҳомланиб янада серунум ижодий меҳнат қиламан. Ҳозир «Сен етим эмассан» кинофильмидаги Улуғ Ватан уруши даврида ота-онасиз қолган гўдакларни тарбиялаб вояга етказган меҳрибон она — Фотима образи устида ишлаётирман.

Коммунистик партиямизнинг халқ бахт-саодати йўлида қилаётган ишлари, яна ҳам ёрқин истиқбол ҳақидаги тадбирлари унинг нақадар инсонпарварлигидан далолат беради.

Лутфихоним САРИМСОҚОВА,
Ўзбекистон ССР халқ артисти.

МАШИНА ТЕРИМИГА ЗЎР БЕРИНГ!

КЎЗБЎЯМАЧИЛИК

Шофрикон районидаги Ленин номли колхозда бу йил 450 гектар ердаги пахта машинада териб олиниши керак. Лекин, колхоз раиси Омон Абдуллаев, партия ташкилотининг секретари Саттор Бозороч ўртоқлар «оқ олтин»ни машинада тердирмасликка уринмоқдалар. Машина теримига ажратилган участкалардаги ҳосил қўлда тердирилиб, машина ҳисобига ёздирилмоқда. Колхоздаги 12 та пахта териш машинасидан 5 таси далага чиқарилган. Бу машиналар ҳам кўп вақт бекор туради.

Коммунист Мансур Шарипов бошлиқ бригаданинг 15 гектар пахта майдонида гўза барги ўз вақтида тўқтирилмади. Шундай бўлса ҳам механик-ҳайдовчи Вафо Бақоев машина теримига киришмоқчи эди. Лекин бригадир унга йўл бермади. Ҳозир ҳамма майдондаги пахта қўлда териб олинянти. Сафар Донашев, Нур Имомов, Искандар Темиров, Рамазон Тошев ўртоқлар бошлиқ бригадаларда ҳам машина теримига ажратилган майдондаги пахта раиснинг буйруғи билан қўлда тердирилмоқда. Сводкада эса «100 тонна пахта машинада терилди» деб кўрсатилган. Бундай кўзбўямачилик фактлари Элибой Эргашев, Ҳикмат Бобохонов, Ражаб Барзтов ўртоқлар бошлиқ бригадаларда ҳам бор.

М. ҲАМИДОВ.

КОНСЕРВАТОРЛАР ЖАЗОЛАНМАЁТИР

Андижон область Чуст районидаги Фрунзе номли колхозда машина теримининг дастлабки кунларида иш анча яхши уюштирилди. 6 та терим агрегатининг механик-ҳайдовчилари планда кўрсатилган 350 гектар майдондаги ҳосилни тез териб олиш учун ғайрат билан ишга киришдилар. Гаффор Каримов, Қурбон Шарипов ўртоқлар кунига 3-3,5 тоннадан пахта тердилар.

Бироқ, ана шу яхши ташаббус охиригача етказилмаётир. Колхоз раҳбарлари (раиси Ҳожиматов, партия бюросининг секретари Зиёвиддинов, агроном Раҳмонов ўртоқлар) кейинги вақтда машина теримига эътибор қилмай қўйдилар. Машинада пахта териш суръатини ошириш, терим агрегатларининг унумли ишлаши учун қулай шароит яратиш ўрнига машина теримига ажратилган участкадаги пахтанинг қўлда териб юборилишига йўл қўймоқдалар.

Колхознинг Ҳаким Тошматов бошлиқ бригадасида машинага ажратилган 24 гектар ердаги пахта қўлда тердириб юборилди-ю, сводкада «машинада терилди» деб кўрсатилди. Жўра Исмоилов бошлиқ бригадада машина теримига ажратилган участканинг тенг ярми 7 гектаридаги пахта қўлда териб олинди. Ўртоқ Адолат Бўтаева бошлиқ бригадада ҳам шундай қилинди.

Терим агрегатларининг ишига тўсик бўлаётган консерваторлар район партия комитетининг секретари Бобохонов, район ижроия комитетининг раиси Саидова ўртоқларга маълум. Лекин улар механизацияга қарши кайфиятдаги шахсларга нисбатан, негадир, чора кўрмаётирлар.

М. МИРБАРАТОВ.

Қанча пахта топширилди?

Ўзбекистон ССР областларида пахта тайёрлашнинг, ҳосилни қоп-қанорсиз ташишнинг бориши тўғрисида 1961 йил 26 октябргача бўлган

МАЪЛУМОТ

(Пахта тайёрлаш — планга нисбатан, машина терими ва ҳосилни қоп-қанорсиз ташиш — мажбуриятга нисбатан процент ҳисобида)

Областлар	Пахта тайёрлаш: Бир кунда	Пахта тайёрлаш: Мавсум бошидан бери	Пахта тайёрлаш: Машина терими	Пахтани қоп-қанорсиз ташиш
Самарқанд	1.00	87.03	46,17	99,99
Хоразм	1,43	83,58	19,78	40,38
Тошкент	0,66	79,08	50,06	88,12
Андижон	0,33	76,52	36,71	97,49
Сурхондарё	0,28	73,27	48,82	88,60
Бухоро	0,78	68,60	18,43	58,82
Қорақалпоғистон АССР	1,19	64,79	21,39	36,59
Фарғона	0,59	63,35	10,02	66,81

Ўзбекистон ССР районларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида 1961 йил 26 октябргача бўлган

МАЪЛУМОТ

Районлар	Планнинг бажарилиши (Планга нисбатан процент ҳисобида)	Машина терими (мажбуриятга нисбатан процент ҳисобида)	Районлар	Планнинг бажарилиши (Планга нисбатан процент ҳисобида)	Машина терими (мажбуриятга нисбатан процент ҳисобида)
ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ	118.64	38,78	Сталин	73,79	21,09
ҚУЙИ ЧИРЧИҚ	103,70	88,48	Ромитан	73.77	24,60
ҒАЛЛАОРОЛ	103,68	24,80	Косонсой	73,19	38,90
Оржоникидзе	99,09	27.97	Қизилтепа	73,00	14,13
Жомбой	98,99	76,89	Комсомол	72,91	49,61
Пойариқ	98,34	67,12	Когон	72,89	8,31
Иштихон	93,86	28.77	Наманган	72,30	38.42
Қўшкўпир	92,86	23.17	Свердлов	71,94	16,63
Булунгур	92,73	33,81	Избоскан	71,86	30,09
Хева	92,25	24,11	Яккабоғ	71,33	53,27
Қўрғонтепа	91,80	81,80	Оққўрғон	71,14	36,86
Шовот	89.65	19,28	Тўрткўл	70,69	23,36
Марҳамат	89,22	47,37	Балиқчи	70,37	18,87
Сариосиё	88,91	74,72	Вобкент	70,27	13,50
Оқдарё	83,60	40,24	Уйчи	69,89	9,90
Поп	88,29	27,13	Олтиариқ	69,61	4,76
Пастдарғом	85,63	32.90	Ангор	68,81	85.20
Пискент	85,53	41,83	Чинобод	68,59	20,07
Денов	85,28	59,06	Китоб	68,50	14,26
Янгиариқ	84,80	12,67	Бекобод	68,29	39,75
Ғиждувон	84,73	44,92	Андижон	68,14	17,49
Чиноз	84.60	41,22	Хўжайли	67,56	25,64
Ўрта Чирчиқ	83,93	51,46	Қува	67,50	9,11
Шўрчи	83,67	73,34	Норин	66,94	46,04
Жиззах	83,37	46,48	Зомин	66,82	—
Каттақўрғон	83,11	40,55	Фарғона	66,80	2,69
Ленин	82,29	24,05	Ленинград	65,84	30,30
Жарқўрғон	82,27	101,29	Чимбой	65,32	26,06
Хатирчи	82.03	30,21	Бухоро	64,66	20.21
Жалақудуқ	81,82	46,56	Куйбишев	64,66	12,83
Янгиер	81,60	69,69	Охунбобоев	64,38	10,03
Янгиқўрғон	81.43	72,11	Қамаши	63,47	26,70
Гурлан	81,40	29,64	Беруний	63,44	13,79
Янгийўл	81,09	36.99	Шофрикон	63.27	35,97
Самарқанд	80,77	44,09	Навоий	63,02	13,01
Ворошилов	80,52	31,22	Шеробод	62,05	94,71
Олтинкўл	80,49	30.09	Термиз	62,02	55,50
Учқўрғон	80,23	27,52	Бағдод	60.18	6,29
Хонқа	80.04	16,26	Марғилон	59,62	11,72
Хўжаобод	79,65	51,05	Фрунзе	58,79	8,58
Ҳолдевонбек	79,58	44,60	Гулистон	58,42	30,67
Чуст	77.91	30,86	Қоракўл	57,65	9,43
Деҳқонобод	76,91	—	Ғузор	55,51	3.60
Бўка	76,65	60,38	Амударё	53,55	10,11
Пахтакор	76.06	79,10	Ўзбекистон	53,50	2,52
Урганч	75,95	23,14	Кегайли	52,61	19,49
Шаҳрисабз	75,64	44,94	Конимех	52,39	4,46
Қўнғирот	75.64	33,81	Киров	47.83	—
Тахтакўпир	75,38	23,70	Қўқон	47,79	5,69
Пахтаобод	75,03	20.39	Қарши	37,44	—
Сирдарё	75,01	59,06	Бешкент	35,84	0,93
Чироқчи	74,89	10,87	Косон	31,49	1,38
Хазорасп	74,82	10.79			
Норпой	74,26	25,26			
Тўрақўрғон	74,04	43,51			
Бўз	73,90	44,57			

Редактор З. И. ЕСЕНБОЕВ.

ЭЪЛОНЛАР. ТОМОШАЛАР.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

27 ОКТЯБРДА

19.00 — **30 минг йўл** (ёшлар учун рус тилида), 19.35—**КПСС XXII съезди материаллари ва** Телевизион янгиликлар (рус тилида), 20.05 — Композитор **Ференц Лист** («Музикали календарь» циклидан), 20.55—**Упирилиш** номли кинопоесть, 22.00 — **КПСС XXII съезди материаллари** ва Телевизион янгиликлар (ўзбек тилида), 22.30 — **Шарқий Саян бўйлаб борадилар** (ўзбек тилида телевизион очерк).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 27/X да **Оққуш кўли**, 28/X да янги спектакль **Арсенал**.

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 27/X да **Шубҳа**, 28/X да **Почта**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА—27/X да **Тошболта ошиқ**, 28/X да **Ватан ишқи**.

ОКРУГ ОФИЦЕРЛАР УЙИДА (театр зали) — 28, 29/X да **Ўзбек давтал филармонияси солистларининг катта концертлари**. Билетлар сотилмоқда.

ЭСТРАДА ТЕАТРИДА — 31/X,1,2,3, 5/XI да 2 бўлимда **эстрада концертлари**. Билетлар сотилмоқда.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Грузин цирки артистлари гастролининг давоми**. Томоша кеч соат 7 яримда бошланади.

КИНО

ҚИШКИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

Хазина (эрталаб соат 10, кундуз 12,4 ва кеч 8 да), **Шайтоннинг ҳам кучи етмади** (кундуз 2 ва кеч 9-45 минутда) — «ВАТАН».

Машъаллар — «ВАТАН» (кеч соат 6 да), «ДРУЖБА» (1-залда кундуз ва кечқурун),).

Қашшоқ кўча — «МИР» (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (1-залда жуфт соатларда), «ЁШ ГВАРДИЯ» (кеч соат 8-20 ва 10-10 минутда).

Синчалак (кундуз соат 3-20 минутда ўзбек тилида), **Баландлик** (кеч 6-50 минутда)—НАВОИЙ номли.

Паҳлавон — НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун), «ИСКРА» (кундуз соат 4 гача ва кеч 10-20 минутда), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз 12,4, кеч 8 ва 10 да).

Ботқоқ ити — «ЁШ ГВАРДИЯ» (кеч соат 8-20 минутгача), «ДРУЖБА» (2-залда), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), «ЎЗБЕКИСТОН» (эрталаб соат 10, кундуз 12,2 ва 4 да), «СПУТНИК» (2-залда тоқ соатларда).

В. И. Ленин номли Тошкент давлат университети коллективи ўзбек адабиёти кафедрасининг мудири, доцент Гулом Каримович Каримовга онаси

ОБИДА БАДАЛОВАНИНГ

вафоти муносабати билан таъзия изҳор қилади.

БИЗНИНГ АДРЕСИМИЗ: ТОШКЕНТ «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ 26 УЙ

КОММУТАТОР — 26334, 33262. Редакция бўлимларининг телефонлари: Партия турмуши — 33469. Пропаганда — 34780. Саноат ва транспорт — 27604. Совет қурилиши — 34780. Қишлоқ хўжалиги — 31226. Адабиёт ва санъат — 32036. Фан, мачтаб ва олий ўқув юртлари — 34524. Маҳаллий ахборот — 32347. Оммавий ишлар ва хатлар — 29005. Секретариат — 34455. Эълонлар — 28142.

«Қизил Ўзбекистон» «Правда Востока» ва «Ўзбекистони Сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.

Р. 01775. Нашр. В. 253.